39.8
Ў-28

ЖАХОН МАРДОНОВА

# Ўзбек халқ қўшиқлари



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач ______ | |
| --- | --- |
| | |

ГУЛЖАХОН МАРДОНОВА

# Ўзбек халқ қўшиқлари

АЛЛАЛАР
ЭРКАЛАМАЛАР
ЁР-ЁРЛАР
КЕЛИН САЛОМЛАР
ТУРЛИ МАВЗУДАГИ ҚЎШИҚЛАР
ЧОЙ БАЙТЛАРИ
СОҒИМ ҚЎШИҚЛАРИ
МЕҲНАТ ҚЎШИҚЛАРИ
НАВРЎЗ ҚЎШИҚЛАРИ
РАМАЗОН ҚЎШИҚЛАРИ
АЙТИМЛАР



ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2015

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
0509

УЎК: 398.8(575.1)
КБК 82:3(5Ў)
Ў16

**Мардонова Г.**

Ў16 Ўзбек халқ қўшиқлари. /Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Г. Мардонова/.–Т.: «O'zbekiston», 2015.–136 б.

ISBN 978-9943-28-316-9

Ушбу китобга маданиятимизнинг энг гўзал қирраларидан бири бўлган халқ қўшиқлари киритилган. Булар аллалар (оналар алласи, бувилар алласи), болаларга эркалама айтимлар, ёр-ёрлар, келин саломлар, халқ қўшиқ-ўланлари, чой байтлари, соғим, меҳнат, рамазон қўшиқлари ва айтим (йиғи, йўқлов, марсия)лардан иборатдир.

Тўпламга киритилган қўшиқларни этнограф, фольклоршунос журналист Гулжаҳон Мардонова тартибга келтирган. Китобнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда бутун Республикамиз ҳудудини қамраб олган ва ноёблиги билан янада қимматли бўлган қўшиқлар жамланган.

Мазкур маънавий хазина шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар кенгаши фаоллари, фольклор-этнографик ансамбллар жамоаси ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 398.8(575.1)**
**КБК 82:3(5Ў)**

ISBN 978-9943-28-316-9

© Гулжаҳон Мардонова, 2015
© «O'zbekiston», 2015

# МЕҲРДАН ЯРАЛГАН ОҲАНГЛАР

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлайман.*

Бу қадим заминда бебаҳо ёдгорликлар кўп. Миср эҳромлари, Ҳинд элининг бир кўркига минг кўрк қўшиб турган Тожмаҳал обидаси, француз халқининг ғурури ҳисобланмиш Эйфель минораси, рўйи замин сайқали Самарқандда кўкка бўй чўзиб турган меъморий обидалар шу каби бошқа кўпгина ёдгорликлар фикримизнинг исботидир.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат такрорланмас ёдгорликлари билан фахрланади, уларни кўз-кўз қилгиси келади. Яна бир кўзга кўринмас, аммо қалбдан йироқ кетмас хазина борки, бу ҳар бир халққа, миллатга дахлдор бўлган қўшиқдир. Дунёдаги минглаб халқлар, миллатлар, элатлар, қабилаю уруғлар сўз кўмагида, ўз она тилида маънавий бойликлар яратадилар.

Тоғлар, боғлар, қир-адирлар, чашмаю булоқлар, дарёлар чор тарафидан ўраб турган Ўзбекистон халқи ҳам ўзининг беқиёс маънавий хазинасига эгадир. Улар неча минг йиллар бурун теран қалб соҳиблари бўлмиш боболаримиз, момоларимиз томонидан яратилган, истеъмолда қўлланган ва туб аҳолининг бебаҳо мулкига айланган. Маънавий хазинанинг асоси бўлган ана шу сўз орқали қадрият бешиклари тебратилган. Сўз орқали маънавият қўнғироқлари чалинган. Сўз орқали боболаримиз, момоларимиз мақол-маталлар тўқиганлар, ривоят ва ҳикоятлар ўйлаб топганлар, эртаклар яратганлар, кўнгил бўстонидан қўшиқларга жой берганлар.

Ўзбекистон дунё меҳварида ўз ўрни[illegible] тарихи ва ўтмишига эга. Булоқларида ҳай[illegible] қайнайдиган, дарёларида балиқлар ғуж[illegible] ўйнайдиган, арчазор тоғлари осмон билан бўйлашган, боғларида асал таъмли узум, анор, олмаю ўриклар ғарқ пишадиган, бу[illegible] дойзорларида бўлиқ бошоқлар эртакмона[illegible] тебранадиган, полизларида қовун, ҳандалак, тарвуз карсиллайдиган диёримизнинг ҳар бир қарич тупроғида қўшиқ яшайди. Тошкентнинг чоштепаларида, Навоийнинг нолали наволарида, Самарқанднинг сирли гумбазларида, Қашқадарёнинг одамлари қалбидай обод кенгликларида, Фарғонанинг узумзор боғларида, Наманганнинг олмазорларида, Жиззахнинг қо[illegible] вуну тарвузнинг минг хили ҳил-ҳил пишадиган пайкалларида бир ўлмас қўшиқни эшитасиз. Қорақалпоғистоннинг сирбосар ўтовларида, Бухоронинг гўзал кошинларида, Хоразмнинг қўшсурнайи оҳангларида, Сирдарёнинг сирли соҳилларида, Андижоннинг анҳорлари қир[illegible]ғоқларида, Сурхоннинг шовуллаган шаршараларида донишманд эл тўқиган афсоналар, оҳанглар чарх уради. Бу юртнинг тоғли қишлоқлари бўйлаб кўтарилиб кетаверсангиз айиқтовон, бўймадарон, кийикўт, андиз, зира, равоч каби ўт-ўланларнинг иси димоғингизни қитиқлайди. Буларнинг бари-бариси юрагингизга она Ватан ҳақидаги қўшиқ бўлиб сингади.

Сиз уларни тинглайсиз – қаҳрамонликлари билан тарих зарварақларини безаган боболарингиз, момоларингиз хотирга тушади. Сиз уларни тинглайсиз – остонани обод қилган, Ватанни Ватан қилган, унинг ҳар бир қарич тупроғини тавоф этган улуғлар кўз олдингизда намоён бўлади. Сиз уларни тинглайсиз – ғурур, ор, номус учун от минган алпқомат чавандозлар ҳайқириғи қулоғингизга



[illegible] бўлади. Сиз уларни тинглайсиз [illegible] гиламлари, жўлхурсу кигизлари[illegible] гўзалликларини сингдира олган са[illegible] кўнглингизни банд этади. Сиз уларни тинглайсиз – кўнглингиз осмони покланаверади. Сиз уларни тинглайсиз – қаддингиз, бошингиз тик бўлаверади. Сиз уларни тинглайсиз – димоғингизга иссиққина буғдой нонининг иси урилади. Сиз уларни тинглайсиз – чап кўксингизда гуллар чайқалади. Хуллас, халқ [illegible] қўшиқлар ана шундай сеҳрли кучга эгадир.

Бугун бир қадар истеъмолдан чиққан бу қўшиқлар кимга, нимага керак, деган савол туғилиши табиий. Аввало, тараққиёт туфайли бугуннинг ўзида фақат кексаларгагина [illegible] сўзлардан яралган бойлик бугун китобларга киритилмаса, эртага буткул йўқолиб кетиши муқаррар.

Иккинчидан, бир қадар истеъмолдан чиққан, архаик бойлигимиз қаторига қўшилиб кетаётган мазкур қўшиқ сўзлари сизу бизга бегона эмас. У худди Ватаннинг бир парчасидек қадрдон, азиз. Биз у орқали она Ватанимизни, қадрдон бешикни, жувонмард боболаримиз қаҳрамонлигини, эртакчи момоларимиз меҳрини, хуллас, она юрт деганда инсон кўз олдига нима келиши мумкин бўлса, ана шу манзараларни болалар онгига жойлаймиз.

Халқ оғзаки ижодини биргина сўз билан фольклор, деб атайдилар. Бу сўзга: «Фольклор (инг. халқ, билим, фан) халқ ижодиёти; халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (эртак, достон, қўшиқ, лапар, масал, мақол, матал, топишмоқ ва б.)»[1] дея таъриф берилади. Бундай улкан

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 355-бет.

ва бебаҳо меросга эга халқ бахтга лойиқдир. Зеро, «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди… бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир»[1]. Халқнинг донишмандлиги, теран салоҳияти туфайли яралган қўшиқлар эса халқ оғзаки ижодининг энг ом... мавий намунаси ҳисобланади. Улар долғали, талатўпли замонларда одамларга мадад бўлган, эл қўшиқлар орқали ўз кўнглини ўзи кўтарган.

Аёллар эрларини урушга жўнатаётиб йиғлаб-сиқтаб қўшиқ айтганлар, болаларини мардикорликка бераётиб қақшаб-қақшаб қўшиқ куйлаганлар, бешик тебратаётиб ойдин орзуларини аллага жойлаб суйиниб-суйиниб қўшиқ хиргойи қилганлар, болаларини чимилдиққа кузатаётиб кўзларида ёш, кўнгилларида бир олам орзу билан яна қўшиққа мурожаат қилганлар, энг азиз инсонларини сўнгги йўлга кузатаётиб ҳам қўшиқ оҳангларидан далда олганлар. Кўриниб турибдики, қўшиқлар инсонларнинг ғамгин ва шодмон кунларида доимо уларга ҳамроҳ бўлган. Улар қандай мавзу ва мазмунда бўлмасин сўз, оҳанг ҳамда ижро мукаммаллигида инсон қалбига сингиб боради. Худди қалбга меҳр сингигани каби. Шундан ҳам на илм, на фан, на кино ёки театр қўшиқлар ўрнини ҳаргиз босолмайди.

Қўшиқлар агар инсоннинг руҳий, маънавий, маърифий эҳтиёжига тўлақонли жавоб бермаганда, бугунги кунгача етиб кела олмаган бўлур эди. Демак, халқ қўшиқлари инсоннинг руҳиятига, кайфиятига ҳамоҳанг равишда тарбиявий вазифаларни ҳам бажаради. Борлиқдаги ҳар қандай ҳодиса эҳтиёж билан боғлиқдир. Қўшиқлар ҳам халқнинг

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 30–31-бетлар.



орзу-армонлари, истак-хоҳишлари, умидларига ҳамоҳанг равишда яратилган.

Асрлар, минг йилликлар оша оналарнинг гўзал орзулари, меҳр-муҳаббати, фарзандига сингдирилган эзгу айтимлари бўлиб бир қўшиқ янграйди. Бу қўшиқ сатрларидан миллатнинг тарихи, ўзига хослиги, қаҳрамонлиги, бошидан ўтказган кечинмалари, армон-ҳасратлари садо беради. У болаларнинг қалбига боболару момолари босиб ўтган йўллар ҳақидаги ҳақиқатни сингдиради. Уни тинглаган одам сел бўлади, энг золим кимсалар ҳам эл бўлади. У ҳақда туркшунос олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида «балу, балу», деб маълумот беради. Ана ўша туркий оналарнинг ўз гўдакларини эркалаб айтган оҳанграбо айтимлари бугун алла деб аталади.

Алла ҳали ақлини танимаган гўдакка бобони момо, отаю она, акаю опани танитади. Унга насл-насаб, шажарани танишни ўргатади. Алла тинглаган бола онгида гўзал фазилатлар камол топади. Унга одамларга мурувватли, саховатли, оқибатли бўлиш каби инсоний жиҳатларни сингдиришда кўмак беради. Эҳтимол, шундандир, не-не талатўпли замонлар бўҳронларидан халқнинг бебаҳо бойлиги сифатида алла ҳам омон ўтди.

XXI асрга келиб тиббиёт олимлари ва педагоглар бола дунёга келмасидан унинг онг ости қатламларида ташқи сигналларни бехато қабул қилувчи марказ ўз фаолиятини бошлаши ва ушбу марказ болаликда қабул қилинган маълумотларни инсон умрининг охирига қадар сақлаши ҳамда улар боланинг феъл-атворига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши ҳақида ёздилар. Улар алла садолари ила улғайган, онасидан эркалашларни керагича қабул қилган болаларнинг миясида нейронлар қуюқ бўлишини ёки аксинча, алла тингламаган бо-

лаларнинг миясида нейронлар суюқ, ожиз, н
фаол бўлишини таъкидладилар. Нейронлар
қуюқ болалар ташкилотчи, фаол, ташаббуск
бўлиши, нейронлари ожиз болалар эса таб
атан лоқайд, одамларнинг муваффақиятида
суюнмайдиган, салбий қусурларга эга бўли
шаклланишини ҳам оммага эълон қилдилар.

Оддий оналар эса минг-минг йиллар на
байнида бундай илмий қарашлардан бехаб
ҳолатда алла тинглаган боласининг яхшили
лар, эзгуликлар тарафдори эканлигини англ
етдилар, гарчи тақиқланса-да алла айти
дан тўхтамадилар. Бешик тебратиб, бела
чакка боласини ётқизиб, бағрига босиб алл
айтдилар. Алла айтавердилар. Бундай меҳ
қўшиғини тинглаган болалари онам деб суйд
отам деб меҳр берди. Ватанни севди, остона
жон қадар улуғлади. Алла эшитган бола ан
шундай суя олади, суяй олади. Эҳтимол, б
қўшиқнинг ўлмаслиги, абадийлиги шундандир

Асрлар, минг йиллар давомида миллий
маданий-маънавий қадриятлар, халқ педа
гогикаси ғоялари фарзандларни ҳар томонла
ма камолга етказишнинг таъсирчан воситалар
сифатида амалиётда қўлланилиб келинмоқда
Улар сирасига эртак, ривоят, тез айтиш, мақол
топишмоқ, достон ва халқ қўшиқларини ки
ритиш мумкин.

Халқ қўшиқлари халқимизнинг қўҳна бой
лиги, у ҳамма даврларда ҳам ўзининг тар
биявий таъсирчан ғоялари билан кишилар
нинг маънавий жиҳатдан юксак шахс бўлиб
шаклланишида ҳиссадор бўлиб келган. Халқ
қўшиқлари орқали ёшларни ўз она Ват
нини севадиган, илғор ғоялар эгаси қилиб
тарбиялаш ва уларда миллий қадриятларга
муҳаббат ҳис-туйғуларини янада юксалтириш
мумкин. Улардаги содда, равон сўзлар ти
зими, оҳангнинг миллийлиги эса болаларда



қўшиқлари ҳақидаги билим ва тасав-
вурларнинг тўлиқ шаклланиш имконини яра-
тибгина қолмай, улар маънавиятини юксалти-
ришига ҳам катта ҳисса қўшади. Чунки халқ
қўшиқларининг ижтимоий, бадиий, тарбиявий
имкониятлари кенгдир.

Халқимиз шеърни қўшиқ қилиб айтили-
шигина эмас, унинг узоқ сақланиши, абадий
яшашини, одамларнинг, айниқса, келажак ав-
лоднинг маънавий юксалишига ёрдам бери-
шини, инсоннинг руҳий озиқланишига хизмат
қилиши учун қадрлаган.

Ушбу китобдан 1988 йилдан буён рес-
публикамизнинг деярли барча вилоятларида
тўпланган, ўша жойдаги кекса отахон ва она-
хонлардан ёзиб олиниб, тартибга келтирилган
алла қўшиқлари жой олган. Китобга жамлан-
ган қўшиқларда шевага доир сўзлар ҳам сақлаб
қолинди. Фольклоршунослик, тилшунослик ва
этнографик нуқтаи назардан буни маъқул деб
билдик.

Азиз ўқувчилар китоб ҳақидаги фикр-муло-
ҳазаларини нашриёт манзилига йўлласалар,
нур устига аъло нур бўлиб, келгуси нашр-
ларда ушбу фикрларни дастуруламал қилиб
олган бўлар эдик.

*Гулжаҳон МАРДОНОВА,*
*Ўзбекистон журналистлар*
*ижодий уюшмаси аъзоси*

# АЛЛАЛАР

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Алла айтай, алла-ё,
Қўзичоғим алла-ё.
Онасининг эркаси,
Овунчоғим алла-ё.
Алла қилай қулоқ сосин,
Алла деган сўзима.
Эркатойим бой бўлиб,
Нурлар берсин кўзима.
Оппоққина қўлидан,
Онаганаси айлансин.
Мунчоқдайгана кўзидан,
Отаганаси айлансин.
Қатта тутнинг танаси,
Айлансин бундан момаси.
Ажириқнинг толаси,
Айлансин бундан холаси.
Орқангдаги сочингдан,
Ортиқ моманг айлансин.
Мохлойингнинг сочидан,
Манғит моманг айлансин.
Зордолининг ғўласи,
Айлансин бундан бўласи.
Чойдишларнинг шаммаси,
Айлансин бундан аммаси.
Тубасининг сочидан,
Тўрт уруғлар айлансин.
Елкасининг сочидан,
Етти уруғлар айлансин.
Тубагининг остидан,
Туркман эллар айлансин.



Кўлбошининг остидан,
Қўнғирот эллар айлансин.
Алла, болам, аллаё,
Қўзичоғим, аллаё.
Онасининг эркаси,
Овунчоғим аллаё.
Алла, менинг ой болам-а,
Боғлардаги дўланам-а.
Кўздан, суқдан асрасин-а,
Бешикдаги тўғдонам-а.
Тоққа чиқсин тараниб,
Адрас тўнга ўраниб.
Алла, болам, алла-ё,
Юлдузгинам аллаё.
Хаволар ёғсин қир, товга-ё,
Туйлар кесин матовга-ё.
Тунни соғсам ияди-ё,
Қўли-қўлига тегади-ё.
Ўйнаб кесин овлоққа,
Жўгини ортсин тойлоққа.
Менинг қоракўз болам,
Ирашади тойчоққа.
Жовринлари жорқиллаб,
Тўйлар кийсин алла-ё.
Бўйраклари булкиллаб,
Бедов минсин алла-ё.
Алла болам, алла-ё,
Овунчоғим алла-ё.
Уйқудан қониб тургин,
Қўзичоғим алла-ё.

* * *

*Ургут туман Ғус қишлоғидан Мунаввар Муҳаммади қизидан ёзиб олинди.*

Алла, қўзим, қундузим алла,
Ором ол, қўзим алла.
Тупроқ кечиб ўйнайсан,
Берсин-да тўзим алла.

Ойни олиб берайми?
Гуллар териб келайми?
Атрофингда айланиб,
Шамол бўлиб елайми?
Асалимга аталган,
Бешиклари гул тахта.
Ухлаб бир ором олгин,
Елканг мулойим — пахта.
Алла болам, ал, болам,
Гапга қулоқ сол, болам.
Алла қилсам ухлагин,
Тиллари асал болам.

* * *

*Балиқчилик Тожихон Ҳайдарали қизидан ёзиб олинди.*

Аллалар айтсам қувонгин, алла,
Онагинангга суянгин, алла.
Аллаларнинг оти бор-а, болам, алла,
Чўнтакларида хати бор-а, болам, алла.
У хатларни ўқисам-а, болам, алла,
Жаҳонгирнинг оти бор-а, болам, алла.
Аллалар айтсам тинглагин-а, болам, алла,
Тинглаб туриб ухлагин-а, болам, алла.
Ухлаб туриб, ором олиб, жоним болам, алла,
Аканг билан ўйнагин-а, болам, алла.

* * *

*Чирчиқлик Юлдузхон Усматовадан ёзиб олинди.*

Бешигингни қошига жоним болам, алла,
Қўш каптарлар қўндирдим эрка болам, алла,
Сенинг учун давлатни жоним болам, алла,
Йўқ жойлардан йўндирдим асал болам, алла,
Сочимнинг тилла тароғи, алла болам, алла,
Боримнинг кумуш яроғи жоним болам, алла,
Ойисининг қўнғироғи алла болам, алла,



[illegible] чақмоқ чироғи жоним болам, алла.
[illegible] кийиб-о, алла, болам, алла-ё,
[illegible] тўймагин-о, жоним болам, алла.
[illegible] улғайиб алла, болам, алла,
[illegible] ўйнагин-о, жоним болам, алла.
[illegible] тилаб олганим тилов болам алла-ё,
[illegible] куйдирар олов болам, алла.
[illegible] жоним болам, алла-ё,
[illegible] яров болам, алла-ё.
[illegible] сўрадим жоним болам, алла-ё,
[illegible] сўрадим-о, эрка болам, алла-ё.
[illegible] жоним болам, алла-ё,
[illegible] сўрадим-о, қўзим болам, аллаё.

* * *

*Ғиждувонлик Нилуфар Аслоновадан ёзиб олинди.*

Икки кўзим аймоғиё, алла,
Юрагимнинг қайноғиё, алла.
Кўк фаришта бешигингни қўрисин,
Худо берган чироғим-о, алла.
[illegible] сайроғим-о, алла,
Тулки бола ухлар қиёқ болишда.
Турна ухлар беланчаги қамишдан,
Ойнакўлда балиқ мудрар кумушдай.
Чий бахмалда минорим-о, алла-ё.
Рўмолимда туморим-о, алла-ё.
Гул баргига чирилдоқлар беланди,
Райҳонлардан атру анбар эланди.
Кафтимга қизил гулнинг пайванди,
Боғимдаги қирмиз лолам, аллаё
Кисамдаги майиз болам, аллаё.

* * *

*Ғиждувонлик Мадина Аслоновадан ёзиб олинди.*

Алла болам, алламга,
Тегинманглар баррамга.

Барражоним ёт, алла,
Гул ёстиққа бот, алла.
Гул ёстиқни кўтарманг,
Шойимардон кетарлар.
Шойимардон йўл бўлсин,
Шу болам булбул бўлсин.

* * *

*Ғиждувонлик Мадина Аслоновадан ёзиб олинди.*

Алла болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.
Кўрар кўзим, алла-ё,
Сўзлар сўзим, алла-ё.
Гулим алла, гулим алла,
Гули муғжагинам, алла.
Гулим катта бўлсин, алла,
Ажаб муждагинам, алла.

* * *

*Ғиждувонлик Нилуфар Аслоновадан ёзиб олинди.*

Алла жоним, ором ол-ай,
Кўзинг юмиб ухлаб қол-ай.
Алла, сени алқасин-о,
Паноҳида сақласин-о.
Алла деган отингдан-ай,
Зурёд берган эгамдан-ай.
Қайноқ қоним сан мани-ё,
Отам, онам сан мани-ё.
Алла дерман азонда,
Кўзим сенда ҳар онда.
Ухламасанг ҳам кўзим,
Сени сақлагум жонда.

* * *

*Ғиждувонлик Нилуфар Аслоновадан ёзиб олинди.*

Алла болам оппоғим,
Гуллар ичра япроғим.



Қизил гулнинг бутоғи,
Онаси шунинг адоғи.
Алла, алла, тўхтасин,
Қизил гулим сўлмасин.
Шугина болам ўлмасин,
Душманларим кулмасин.
Алла, болам армоним,
Қизил гулим хирмоним.
Алла қилсин шу жоним,
Танамдаги дармоним.
Алла, алла, оппоғим,
Гул ичида япроғим.
Япроқлари сўлмагай,
Шугина болам ўлмагай.

* * *

*Ғиждувонлик Нилуфар Аслоновадан ёзиб олинди.*

Алла болам, алла-ё,
Алла болам қулунтой.
Алла қилсин полвоним,
Бешикларин тебратай.
Тилабгина олганим,
Дўмбоқ ўғлим Умидбой.
Боланчагинг устига,
Оймомани қаратай.
Бошингдаги зар сочинг,
Каптарларга таратай.
Сен ухласанг пишиллаб,
Онанг ҳам олар ором.
Отанг ҳам келар ишлаб,
Дам олгин, юракпорам.
Алла болам, алла-ё...

* * *

*Ғиждувонлик Мадина Аслоновадан ёзиб олинди.*

Онаман-а онаман, алла,
Болам учун ёнаман, алла.

Болам тинчликда ўсса,
Орзуларга қонаман, алла.
Тоғда нуқул ўсибди, алла,
Қарағай билан арча, алла.
Нияти ёмон душманлар,
Бўлишсин парча-парча, алла.
Болажоним бағримда, алла,
Эркалайман ўйнатиб, алла.
Ватан тинчлик боғимда, алла,
Булбуллардек сайратиб, алла.
Улғай болам, гул Ватанда,
Ботир бўлиб ўсгин, болам.
Сени кўриб бу чаманда,
Яйрай қувнаб, юлдузим, алла.

* * *

*Андижонлик Мунира Рўзиевадан ёзиб олинди.*

Алла, болам, алла-ё,
Аллалар жоннинг роҳати-ё, алла.
Шу боламга кўз тегмасин,
Омон бўлсин сиҳати-ё, алла.
Қайрағочдан бешигинг-о, болам, алла.
Қайрилиб олсин отанг-о, алла.
Оқ ёғочдан бешигинг-о, алла,
Айланиб олсин онанг-о, алла.

* * *

*Қамашилик Ойимгул Мардоновадан ёзиб олинди.*

Алла қилай ал бўсин-о, алла,
Босган изи гул бўсин-о, алла.
Дилдора қизим ухласин-о, алла,
Кейингиси ул бўсин-о, алла.
Ширин қизим катта бўп-о, алла,
Таққанлари дур бўсин-о, алла.
Чаққонгина қизимдан-о, алла,



Кўзи тўла нур бўсин-о, алла.
Отасининг эркаси-ё, алла,
Энасининг серкаси-ё, алла.
Мунчоқ кўзим ухласин-о, алла,
Жимгина турсин куркаси-ё, алла.
Қизим қоши ўсмали-ё, алла,
Гуппилари тасмали-ё, алла.
Парча кўйлак кийдирай-о, алла,
Жўрмалари босмали-ё, алла.
Қизимнинг бахти бўсин-о, алла,
Тилладан тахти бўсин-о, алла.
Чаққонгина қизимди-ё, алла,
Оловдай шахди бўсин-о, алла.
Алла-ё, алла...

* * *

*Қамашилик Ойимгул Мардоновадан ёзиб олинди.*

Алла болам, алла-ё, алла,
Азизжоним нор болам-о, алла.
Энасининг бахтига-ё, алла,
Доим бўсин бор болам-о, алла.
Алла, алла, алламга-ё, алла,
Тўйлар берсин туманга-ё, алла.
Туман қисин дуолар-о, алла,
Азизжон бўсин тўралар-о, алла.
Оллонинг ўзи ҳақдир-о, алла,
Ҳақдан тилагим кўпдир-о, алла.
Алламни эшитганлар-о, алла,
Мошдай армони йўқдир-о, алла.
Алла, алла, чинорим-о, алла,
Чий бахмалдан туморим-о, алла.
Азиз болам ором олса-ё, алла,
Тарқармикан хуморим-о, алла.
Оқ лайлакнинг боласи-ё, алла,
Қамишдандир хонаси-ё, алла.
Қамиш учи қайрилса-ё, алла,
Қайғу чекар онаси-ё, алла.
Алла-ё, алла.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

* * *

*Қамашилик Ойимгул Мардоновадан ёзиб олинди.*

Латифа қизим ой қизим-о, алла,
Қора қоши ёй қизим-о, алла.
Энасининг оёқ-қўли-ё, алла,
Шарқираган сой қизим-о, алла.
Асал қизим катта бўп-о, алла,
Подшолардан тўй кесин-о, алла.
Шугина қизимнинг йўлида-ё, алла,
Сурув-сурув қўй кесин-о, алла.
Пайшамининг парвардаси-ё, алла,
Энаси шунинг гадоси-ё, алла.
Қорабоғнинг чинори-ё, алла,
Отаси шунинг адоси-ё, алла.
Алла қизим ухласин-о, алла,
Ёмон тушлар кўрмасин-о, алла.
Азизжоннинг эси кириб-о, алла,
Синглисини урмасин-о, алла.

* * *

*Қамашилик Ойимгул Мардоновадан ёзиб олинди.*

Алла, алла, алига-ё, алла,
Ҳаво ёғсин шолига-ё, алла.
Сумбула қизим ухласин-о, алла,
Энаси адо холига-ё, алла.
Энаси алла айтсин-о, алла,
Шаҳзода қизим ухласин-о, алла.
Отасининг эркаси-ё, алла,
Хонзода қизим ухласин-о, алла.
Асал қизим катта бўп-о, алла,
Шаҳзодалар элансин-о, алла.
Келин бўлиб сузилиб-о, алла,
Бахтларига белансин-о, алла.
Алла-ё, алла...



* * *

*Шўрчилик Рўзихол Маматқуловадан ёзиб олинди.*

Алла болам, оқ, оққа, алла-ё,
Гуллар эксин чорбоққа-ё, алла.
Чорбоғ гули чачилсин, алла-ё,
Бахтинг гулдай очилсин, алла.
Алла болам бойсари, алла-ё,
Оқ ўтовдинг жопсари-ё, алла.
Жопсаридан қорасам алла-ё, алла,
Қонниқчаси соп-сори, алла.

* * *

*Берунийлик Гулойим Бағдодовадан ёзиб олинди.*

Ҳай-ю, ҳай-ю, оппоғим, жан балам,
Ширин-шакар шамшағим, бал балам.
Ухлай қўй, жаним, ухлай қўй-а,
Ҳай-ю айтар жан ананг, бал балам.
Сарқираб аққан сайимсан,
Кишкина эрка тайимсан.
Ҳай-ю, ҳай-ю, жан балам,
Тўлиғиб турган айимсан.
Анангнин тилин ал балам,
Булағур жаним тик адам.
Ухлаб қўй, жоним, ухлаб қўй-а,
Ҳаммадан ширин бал балам.
Қулуним аққан жиримсан,
Жанимнинг жази нуримсан.
Анангга кўнглинг битирми-ёв,
Жаҳанни жузин нур қилсам.
Ҳай-ю, ҳай-ю, ҳай...

## БУВИЛАР АЛЛАСИ

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Алла кўзим, алла-ё, алла,
Кўрар кўзим алла-ё, алла.
Кундуз куни кун бўгин-о, алла,
Осмондаги юлдузим-о, алла.
Жўраги тўла ўтим-о, алла,
Товлардаги бургутим-о, алла.
Эсан бўгин, ўлмагин-о, алла,
Моманг бўлар бир тутум-о, алла.
Ўрмондаги йўлбарсим-о, алла,
Кўрқиш билмас арслоним-о, алла.
Чим, Бадахшон ичида-ё, алла,
Женгилмайди полвоним-о, алла.
Орқангдаги эргашингдан-о, алла,
Укаларинг эргашсин-о, алла.
Лангар Ота пиримиз-о, алла,
Неварамди кўлласин-о, алла.
Момоси алла қисин-о, алла,
Беҳзоджон беклар бўсин-о, алла.
Авлиё бувам кўлласин-о, алла,
Қаддини тиклар қисин-о, алла.
Алла-ё, алла...

* * *

*Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Алла, болам, алла-ё, алла,
Мулгий қогин жон кўзим-о, алла.
Ухлаблар ором огин-о, алла,
Зуҳрага тенг юлдузим-о, алла.
Худойимди кўзи ўнг бўлиб-о, алла,
Шугина қизимди асрасин-о, алла.
Умрганaнг узоқ бўлиб-о, алла,
Балолардан сақласин-о, алла.
Достиғингнинг остидаги-ё, алла,



Ойнадай бетинг оқ бўсин-о, алла.
Чакканга тоққонинг гул бўсин-о, алла,
Умринг узун, мўл бўсин-о, алла.
Ирисқили қиз бўсин, деб-о, алла,
Ой кулчалар пиширдим-о, алла.
Сени суқдан сақласин деб-о, алла,
Пичоқчалар даширдим-о, алла.
Қўш карнайлар чалдириб-о, алла,
Куёв кесин қизимга-ё, алла.
Этагидан кўкарсин-о, алла,
Буёв кесин қизимга-ё, алла.
Ухлаб қогин ой қизим-о, алла,
Момангдайин бой қизим-о, алла.
Уйқудан қониб тургин-о, алла,
Шарқираган сой қизим-о, алла.
Алла-ё, алла.

* * *

*Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Алла, болам, алла-ё, алла,
Полвон болам алла-ё, алла.
Момосининг кунига-ё, алла,
Дармон болам алла-ё, алла.
Тенг-тушлари ичида-ё, алла,
Тарлон болам алла-ё, алла.
Бургут кўзли норимсан-о, алла,
Султон болам алла-ё, алла.
Кўзларидан нур жовади-ё, алла,
Ҳотам болам алла-ё, алла.
Катта бўлиб бой бўсин-о, алла.
Отам болам алла-ё, алла.
Бувасининг топганини-ё, алла,
Шу боламга жедирай-о, алла.
Отасининг топганига-ё, алла,
Зар чопонлар кийдирай-о, алла.
Ғам нималигин билмагин-о, алла,
Морқа болам алла-ё, алла.

Қарригана чоғимда-ё, алла,
Орқа болам алла-ё, алла.
Алла-ё, алла...

* * *

*Ургутлик Шоира Маҳмуд қизидан ёзиб олинди.*

Алла, болам бахтиёр,
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Эрка болам алла-ё,
Сарка болам алла-ё.
Алла, боламни боқаман,
Устингга кўрпа ёпаман.
Бош олиб кетган отангни,
Энди қайдан топаман.
Алла айтиш одатим,
Авлиёлар мададим.
Алла, болам, аллаё,
Ухлаб қолгин аллаё.
Оқ буғдойнинг донаси,
Болам боламнинг боласи.
Отасидай ширин бу,
Қантак ўрикнинг меваси.

* * *

*Чирчиқлик Нурхон Абдухолиқовадан ёзиб олинди.*

Жонимнинг жўндалаги, алла
Қовуннинг ҳандалаги, алла.
Бош боламнинг боласи шунча болам, алла,
Гуллар ичра ягона ғунча болам, алла.
Ўртанчамнинг боласи жоним болам, алла,
Кўзи чақмоқ арслон юраккинам, алла.
Бувисининг эркаси қўзим болам, алла
Толмасину хормасин шербилаккинам, алла.
Қариганимда кераккинам, алла.



* * *

*Қибрайлик Ўктамхон ая Юсуповадан ёзиб олинди.*

Алла, алла, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.
Худойим берган эрмагим,
Қўзим болам, алла-ё.
Гуллар тагидан,
Танлаб олган гулим болам, алла-ё.
Гулу райҳоним мани-ё,
Эрка болам, алла-ё.
Қўйлар ичидан танлаб олган,
Қўзим болам, алла-ё.
Ола отга минган-о,
Эркам болам, алла-ё.
Бахтигинамга катталар бўлгин,
Овунчоғим алла-ё.
Ўғлоним болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.
Ойдан узган ойпарчам,
Алла болам, алла-ё.
Кундан узган кунпарчам,
Алла болам, алла-ё.
Қизил гуллар хирмоним,
Алла болам, алла-ё.
Жонимга бўл дармоним,
Алла болам, алла-ё.

* * *

*Қамашилик Меҳриниса Мардоновадан ёзиб олинди.*

Алла болам, алла-ё, алла,
Мунчоқ кўзларингни юмгин, алла,
Алла қўзим, алла-ё, алла,
Аллалардан ором огин, алла.
Дарёдаги баликчалар ухласин-о, алла,
Ўрмондаги айиқчалар ухласин-о, алла.
Алмарданжон ором олиб-о, алла,

Гулдан бўган қайиқчалар ухласин-о, алла.
Тоғларда кўрдим тўтини-ё, алла,
Боғларда кўрдим батини-ё, алла.
Шу неварам омон бўсин-о, алла,
Бутун қилгин бахтини-ё, алла.
Тушингда каптарчалар сайрасин-о,
Сени кўриб бахри-дилим яйрасин-о.
Отасининг той боласи Алмарданжон-о,
Момосининг бой боласи Алмарданжон-о.
Алла қилай кўзимди-ё, алла,
Нурга тўлдир кўзини-ё, алла.
Худойимдан сўраганим-ҷ, алла,
Боламга бер тўзимди-ё, алла.

* * *

*Қамашилик Меҳриниса Мардоновадан ёзиб олинди.*

Алла болам, алла-ё, алла,
Отам болам ухласин-о, алла.
Отасидай сахий бўп-о, алла,
Ҳотам болам ухласин-о, алла.
Алла болам наҳори-ё, алла,
Гулга тўлсин баҳори-ё, алла.
Адҳам болам ухласин-о, алла,
Тинчгина бўсин саҳари-ё, алла.
Ёниб турган чироғим-о, алла,
Кўзимдаги қароғим-о, алла.
Тенг-тўшлари ичида-ё, алла,
Сергапгана қувноғим-о, алла.
Алла болам ой бўсин-о, алла,
Гижинглаган той бўсин-о, алла.
Камолжоннинг эркаси-ё, алла,
Отасидай бой бўсин-о, алла.
Алла, алламди айтаман-о, алла,
Ухламасанг қайтаман-о, алла.
Эркагана боламди-ё, алла,
Энасига айтаман-о, алла.
Бешиклари кўлбовли-ё, алла,
Оёк-қўли ўровли-ё, алла.



Шугина кўзим ухласин-о, алла,
Кеча-кундуз қаровли-ё, алла.
Алла-ё, алла...

## ҲАСРАТ АЛЛАЛАРИ

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Алла-ё, жоним алла-ё,
Ухлаб қогин, алла-ё, алла.
Моманг алла дейди-ё, алла,
Бешигингда ором огин-о, алла.
Алла, болам ухласин-о, алла,
Момосини тингласин-о, алла.
Уйқудан қониб туриб-о, алла,
Яхшилар билан ўйнасин-о, алла.
Болам, отанг сор эди-ё, алла,
Зўр жайларда бор эди-ё, алла.
Кўкраги балан нор эди-ё, алла,
Яхшилар унга зор эди-ё, алла.
Болам, отанг нозим эди-ё, алла,
Чалинмаган созим эди-ё, алла.
Боғлардаги жўзим эди-ё, алла,
Жўрар жўлда кўзим эди-ё, алла.
Тенг-тўшлари ичида-ё, алла,
Отанг олтин эди-ё, алла.
Жигитмисан жигит эди-ё, алла,
Иродаси метин эди-ё, алла.
Отасининг ўрнига-ё, алла,
Достон бўсин болам-ов, алла.
Момосининг боғига-ё, алла,
Посбон бўсин болам-ов, алла.
Жўрагинг товдан бўсин-о, алла,
Момосига татир болам-о, алла.
Армонларимди аритгин-о, алла,
Менинг ботир болам-о, алла.
Умринг узун бўсин болам-о, алла,
Момосига керагим-о, алла,

Яхши-ёмон кунимда-ё, алла-ё,
Ҳаммасидан керагим-о, алла.
Неъматжоннинг тўнғичи-ё, алла,
Элёр болам алла-ё, алла.
Бошинг тошдан бўсин-о, алла,
Алёр болам алла-ё, алла.
Алла-ё, алла...

* * *

*Учкўприклик Турсуной Тўхтасиновадан ёзиб олинди.*

Алла айтиб ухлатамаҳ-о,
жоним болам, алла,
Ухламасанг қайтаман-о,
жоним болам алла.
Боғма-боғ излаб юриб-о,
жоним болам, алла,
Топмадим бир боғ ўтин-о,
кўзим болам, алла.
Жаҳонни излаб чиқиб-о,
жоним болам, алла,
Топмадим бир меҳрибонни-ё,
жоним болам, алла.
Катта бўлсанг меҳрибоним
бўлгин болам, алла,
Меҳрибонларим кетди-ё,
жоним болам, алла.
Меҳриё кўзимдан кетмади
кўзим болам, алла.
Меҳрибонларим йўқ учун-о,
жоним болам, алла.
Ҳеч ким ҳолимни сўрмади-ё,
кўзим болам, алла.
Қорайиб турган тоғмикин-о,
жоним болам, алла,
Тоғлар бағрида боғмикин-о,
отам болам, алла
У боғлар ичига кирсам-о,
жоним болам, алла,



Меҳрибонларим бормикин-о,
кўзим болам, алла.
Ғўзапоя ўтини-ё,
жоним болам, алла,
Аччиқ экан тутуни-ё,
отам болам, алла.
Ҳеч бандага солмасин-о,
кўзим болам, алла,
Айрилиқнинг ўтини-ё,
жоним болам, алла.

* * *

*Балиқчилик Холисхон Йигитали қизидан ёзиб олинди.*

Эскирар қопда буғдойим, алла,
Есирга берган худойим, алла.
Янгирар қопда буғдойим, алла,
Янглишиб берган худойим, алла.
Ўғлинг бўлса мулла қил, алла,
Боғинг бўлса қўра қил, алла.
Муллаликка кўнмаса, алла,
Сатангларга жўра қил, алла.

* * *

*Пахтаободлик Шаҳноза Умрзоқ қизидан ёзиб олинди.*

Оқ эди билаккинам, алла,
Кўп эди тилаккинам, алла.
Тилагимга етгунча, алла,
Чириди суяккинам, алла.
Оқ ипакдан аврашин, алла,
Қўмдин бўлади қўрғошин, алла.
Тенг-тушларим ичида, алла,
Дарё бўлар кўз ёшим, алла.
Алла айтай офарин, алла,
Устингга бахмал ёпайин, алла.
Бахмалларим етмаса, алла,
Кимхоблар топиб ёпайин, алла.

* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Сенинг отанг ўғиллигинг билмайди,
алла-ё, алла.
Билса агар ҳеч армони қолмайди,
алла-ё, алла.
Жангга кириб оқ билаги толмайди,
алла-ё, алла.
Мард дадангнинг мардонаси ёр, алла,
Севар ёрим нишонаси ёр, алла.
Немис боши илон каби янчилди,
алла-ё, алла.
Кўкрагига қасос ўқи санчилди,
алла-ё, алла.
Бахтимизга зафар эшик очилди,
алла-ё, алла.
Зафарларнинг зар донаси ёр, алла,
Севар ёрим нишонаси ёр, алла.

* * *

*Бўкалик Фотима Эргашевадан ёзиб олинди.*

Алла, болам, алла,
Алла, деб чиқдим чўллара,
Алла, болам, алла.
Солиғлар солиб эллара,
Жоним болам, алла.
Сенга алла айтаман алла
болам, алла.
Сояларингда ётаман жоним
болам, алла.
Сендан келар гул иси алла
болам, алла,
Севганимнинг ёлғизи жоним
болам, алла.

## ЭРКАЛАМАЛАР

*Қаршилик Маъмура Ҳайдаровадан ёзиб олинди.*

Менинг қизим яхши,
Дарвозанинг нақши.
Бозординг мой кулчаси,
Палакди замбуччаси.

* * *

Менинг қизим қани?
Оқ буғдойдинг дони,
Ҳамма ёмон кўрса ҳам,
Бувисининг жони.

* * *

Бир ёри бор Қўқонда,
Панжарали дўконда.
Ҳали келса кўрасиз,
Кула-кула ўласиз.

* * *

Мени улим уп-узун,
Қизларди қувар кун-узун.
Қизларга етишолмаса,
Ўтириб йиғлар кун узун.

* * *

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Киштала энам, киштала…
Қарчиғайдинг боласи,
Ичидадир оласи.
Шу болам эсан бўлса,

Сўраба келар холаси.
Киштала энам, киштала...
Онови боққа келибди,
Чуғурчиқдинг галаси.
Шу боламди эсласин,
Яхши, жомон бўласи.
Киштала энам, киштала...
Пешонаси жорқиллаб,
Эсана бўсин оғаси.
Желкасида бешик билан,
Кириба келар тоғаси.
Киштала энам, киштала...
Шу боламди суяйди,
Товдана балана отаси.
Зар ковуша, зар чопон,
Олиба келар отаси.
Киштала энам, киштала...
Шу боламга садақа,
Мехрганамнинг ҳаммаси.
Оппоқа тонглар отгунча,
Эртага айтар момоси.
Киштала энам, киштала...
Болағанамди асрайди,
Кўпнинг кўлдай дуваси.
Қорин мойлар опкелар,
Қирдана балана буваси.
Киштала энам, киштала...
Жўнғичқанинг ичида,
Беданалар сайрайди.
Тўрт томони қўршовли,
Болағанам жайрайди.
Киштала энам, киштала,
Ҳа, болағанамдан...

## ЁР-ЁРЛАР

*Қамашилик Хурсандой Сайфиевадан ёзиб олинди.*

Ёз айтайлик қўшиқни,
Соз айтайлик, ёр-ёр.
Бордонга босиб оёқни,
Боз айтайлик, ёр-ёр.
Заргарга сирға бериб,
Тузатайлик, ёр-ёр.
Қилтиллатиб қилмасин,
Кузатайлик, ёр-ёр.
Сотма-сотма деганга,
Сотди отам, ёр-ёр.
Калла билан почаларга,
Ботди отам, ёр-ёр.
Калласини олти ой,
Озиқ қилсин, ёр-ёр.
Почасини молларига,
Қозиқ қилсин, ёр-ёр.
Оч ичагин пўстинига,
Астар қилсин, ёр-ёр.
Тўқ ичагин бошларига,
Дастор қилсин, ёр-ёр.

* * *

*Пахтаободлик Шаҳноза Умрзоқ қизидан ёзиб олинди.*

Мен ўланди айтаман,
Мундай қилиб, ёр-ёр.
Тегирмондан чиқарган
Ундай қилиб, ёр-ёр.
Ўлан айтсам ўланчи,
Дейди мени, ёр-ёр.

Йўлда юрган оч бўри,
Ейман дейди, ёр-ёр.
Оч бўрининг оғзига,
Қилдим аркоқ, ёр-ёр.
Йигирмага киргунча,
Юрдим бўйдоқ, ёр-ёр.
Узоқ жойдан келаман,
Милтиқ отиб, ёр-ёр.
Қўлимда ўқ, ёй, камон,
Қуён отиб, ёр-ёр.
Отиб келган қуёним,
Ола экан, ёр-ёр.
Бу замоннинг йигитлари,
Бало экан, ёр-ёр.
Бозорда нима қиммат,
Гуруч қиммат, ёр-ёр.
Ой юзингни яширган,
Қора чиммат, ёр-ёр.

* * *

*Ургутлик Ҳикоят Исроил қизидан ёзиб олинди.*

Бедана бўлиб учдинг,
Шолипояга тушдинг.
Толеингдан ўргулай,
Дон бор хонага тушдинг.
Ёр-ёр, ёронай.
Сой ичида сандиқча,
Буздим балога қолдим.
Акажоним тўйига,
Нуқра пўпаклар олдим.
Ёр-ёр, ёронай.
Нуқра пўпак оқ пахта,
Отингга тилла нуқта.
Тилла нуқта лой бўлди,
Акажоним бой бўлди.
Ёр-ёр, ёронай.



* * *

*Учкўприклик Сорахон Охуновадан ёзиб олинди.*

Дарёларнинг ул юзида,
Минораман, ёр-ёр.
Ярми тилло, ярми кумуш,
Пиёламан, ёр-ёр.
Бир салом, икки салом,
Қариндошга, ёр-ёр.
Токай салом бераман,
Бағри тошга, ёр-ёр.
Дарёларнинг ул юзида,
Шафтолизор, ёр-ёр.
Шафтолизор бағрида,
Қизлар бозор, ёр-ёр.
Оталари сотар бўлса,
Биз харидор, ёр-ёр.
Оналари сотмас бўлса,
Биз ҳам бозор, ёр-ёр.

* * *

*Қаршилик Ойбаҳор Қодир қизидан ёзиб олинди.*

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўланчи қиз, ёр-ёр.
Ваъдасини унутган,
Ёлғончи қиз, ёр-ёр.
Узун-узун арғамчи,
Ҳалинчакка, ёр-ёр.
Атлас қўйлак ярашар,
Келинчакка, ёр-ёр.
Араванинг тагига,
Сепдим кепак, ёр-ёр.
Келин бола сеплари,
Бари ипак, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўлан кўпдир, ёр-ёр.

Ўлан айтган тилингдан,
Битта ўпдир, ёр-ёр.
Қуда холам томини,
Толдан ёпган, ёр-ёр.
Шитирлаган қамишни,
Қайдан топган, ёр-ёр.
Икки сандиқ бир-бирига,
Ранг беради, ёр-ёр.
Икки қуда келишиб,
Тўй беради, ёр-ёр.
Келин-куёв ҳамиша,
Тахтли бўлсин, ёр-ёр.
Бир-бирига муносиб,
Бахтли бўлсин, ёр-ёр.

* * *

*Қаршилик Маҳкам Зоҳид қизидан ёзиб олинди.*

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Подшо қизим, ёр-ёр.
Тенгдошлари ичида,
Доно қизим, ёр-ёр.
Ўша дамда келинчак,
Ясандилар, ёр-ёр.
Оқ пардалар тутдилар,
Юзларига, ёр-ёр.
Тундек қаро сочларин,
Тарадилар, ёр-ёр.
Жаннат либосин берди,
Ўрадилар, ёр-ёр.
Гул чодирлар солдилар,
Бошларига, ёр-ёр.
Поёндозлар ёздилар,
Йўлларига, ёр-ёр.
Ёр-ёр айтиб эшикдан,
Қизлар келди, ёр-ёр.
Тилла жомни лаболаб,
Келтирдилар, ёр-ёр.



Қиз таърифин мен айтай,
Гулбехшидур, ёр-ёр.
Қоши камон, кўзлари,
Оҳу эрур, ёр-ёр.
Тишларидур марварид,
Ажаб қиздур, ёр-ёр.
Ўз тенглари ичида,
Ақлли қиз, ёр-ёр.
Келинойиси бошидан,
Тилла сочсин, ёр-ёр.
Куёв келин иккиси,
Униб ўссин, ёр-ёр.
Тўққиз қиз, тўққиз ўғил,
Худо берсин, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жононаси, ёр-ёр.
Қизни маъқул кўрибди,
Қайнонаси, ёр-ёр.
Жоним қуда, жон қуда,
Сандиқ очинг, ёр-ёр.
Келинчакнинг бошидан,
Сим, зар сочинг, ёр-ёр.

* * *

*Балиқчилик Холисхон Йигитали қизидан ёзиб олинди.*

Шалдир-шулдур сув кечиб,
Эринманглар, ёр-ёр.
Ўн беш червон пул бериб,
Керилманглар, ёр-ёр.
Ўн беш червон пулингни,
Хашлаб келдим, ёр-ёр.
Ойимлардай синглимни,
Бошлаб келдим, ёр-ёр.
Чимматимга тикканим,
Чим каштадур, ёр-ёр.
Келин ойим сўрасангиз,
Ўн бешдадур, ёр-ёр.

Гумро, гумро жойларга,
Гумро тушдим, ёр-ёр.
Қўлимга қайчи олиб,
Бахмал бичдим, ёр-ёр.
Бахмал бичган қайчининг,
Сопи бошқа, ёр-ёр.
Куёв бўлган йигитнинг,
Оти қашқа, ёр-ёр.
Отининг қашқалиги,
Манглайида, ёр-ёр.
Тилининг ширинлиги,
Танглайида, ёр-ёр.

* * *

*Вобкентлик Саломат Каримовадан ёзиб олинди.*

Чимилдиқнинг боғини,
Боғлайди қиз, ёр-ёр.
Онасининг бағрини,
Доғлайди қиз, ёр-ёр.
Дока кўйлак енгини,
Сўкдим эна, ёр-ёр.
Ичимдаги дардимни,
Тўкдим эна, ёр-ёр.
Тол ёғочга арқон солиб,
Учган синглим, ёр-ёр.
Ҳовлингизга хол бўлиб,
Тушган синглим, ёр-ёр.
Оқ ўтовлар қизилдан,
Яйловида, ёр-ёр.
Қизлар қизиқ бўлама,
Бойловида, ёр-ёр.

* * *

*Ургутлик Ҳикоят Исроил ва Ҳаловат Жаҳонгир қизидан ёзиб олинди.*

Ўсма экдим от қулоқ ёр-ёр, ёронай,
Тагидан чиқди булоқ ёр-ёр, ёронай.



Дадам сенга бермайди ёр-ёр, ёронай
Кетавер шалпангқулоқ ёр-ёр, ёронай.
Ҳовлинг олди беш буғдой ёр-ёр, ёронай,
Донасидан айланай ёр-ёр, ёронай.
Акам ўғли Маҳмуджон ёр-ёр, ёронай,
Боласидан айланай ёр-ёр, ёронай.
Ҳовлингизда тутингиз ёр-ёр, ёронай,
Хурмачада сутингиз ёр-ёр, ёронай.
Борай десам қўймайди ёр-ёр, ёронай,
Ола бўйноқ итингиз ёр-ёр, ёронай.
Ҳовли ичи якка тол ёр-ёр, ёронай,
Якка толга пайванд сол ёр-ёр, ёронай.
Олган ёринг ёш бўлса ёр-ёр, ёронай,
Аллаб-суллаб йўлга сол ёр-ёр, ёронай.
Ариқ лабини уйдим ёр-ёр, ёронай,
Қўлимга хино қўйдим ёр-ёр, ёронай.
Ота-онамдан кечиб ёр-ёр, ёронай,
Ёримга бино қўйдим ёр-ёр, ёронай.
Зардевол-ай, зардевол ёр-ёр, ёронай,
Зардеволнинг гарди бор ёр-ёр, ёронай.
Уйланмаган йигитнинг ёр-ёр, ёронай,
Юрагида дарди бор ёр-ёр, ёронай.
Сочим нега ўсмайди ёр-ёр, ёронай,
Ювмайман, тарамайман ёр-ёр, ёронай.
Ёрим нега келмайди ёр-ёр, ёронай.
Чиқмайман, қарамайман ёр-ёр, ёронай.
Сочимни ўриб қўйинг ёр-ёр, ёронай,
Белимга тушиб турсин ёр-ёр, ёронай.
Ёримга айтиб қўйинг ёр-ёр, ёронай,
Йўлимга чиқиб турсин ёр-ёр, ёронай.

* * *

*Булунгурлик Ашур бува Йўлдош ўғлидан ёзиб олинди.*

Келин келди Оқтошдан ёр-ёр, ёронай,
Желаги тушди бошдан ёр-ёр, ёронай.
Желаги тушса бошдан ёр-ёр, ёронай,
Айрилма қалам қошдан ёр-ёр, ёронай.

Тошкана йўли тош экан ёр-ёр, ёронай,
Олган ёринг ёш экан ёр-ёр, ёронай.
Ёшам бўлса майлига ёр-ёр, ёронай,
Рўзғорига бўш экан ёр-ёр, ёронай.
Қошингга қарқар қамиш ёр-ёр, ёронай,
Тишлари марвар, кумуш ёр-ёр, ёронай.
Қайси боғдан чиқади ёр-ёр, ёронай,
«Акажон» деган товуш ёр-ёр, ёронай.

## ОМОНЁР

*Зангиоталик Умриқон Исаевадан ёзиб олинди.*

Чилдирма чалолмадим-о, омонёр,
Қўлимга ололмадим-о, омонёр.
Ёмон ёрнинг дастидан-о, омонёр,
Тўйларда ўйнолмадим-о, омонёр.
Чилдирмангиз кимники-ё, омонёр,
Райҳон ҳиди келади-я, омонёр.
Ўйнаётган гул қизлар-о, омонёр
Кимга насиб қилади-ё, омонёр.
Терак экмай тол экинг-а, омонёр,
Толнинг сояси яхши-я, омонёр.
Жувон олманг қиз олинг-о, омонёр,
Қизнинг қилиғи яхши-я, омонёр.
Том бошида турасиз-а, омонёр,
Ман қарасам куласиз-о, омонёр.
Ўйинчилигимни биласиз-а, омонёр.
Қандоқ тоқат қиласиз-о, омонёр.
Шамол эшик очади-я, омонёр,
Ёрим тилло сочади-я, омонёр.
Сочма, десам сочади-я, омонёр,
Имлаб-имлаб қочади-я, омонёр.
Дўппи тикдим тўқ сариқ, омонёр,
Акажон бошизга лойиқ, омонёр.
Худойим насиб қилса, омонёр,
Бўйиз бўйимга лойиқ, омонёр.
Тутга чиқдим тут едим-о, омонёр,
Бир шохига тўймадим-о, омонёр.



Хизмат кетган ёримнинг, омонёр,
Дийдорига тўймадим-о, омонёр.
Толга чиқдим тол учун-о, омонёр,
Бола чақаси бор учун-о, омонёр.
Узоқ элга хат ёздим-а, омонёр,
Ўткир ёрим бор учун-о, омонёр.
Беш бармоқда беш узук, омонёр,
Бири синса бири бор-а, омонёр.
Ёш бошимга шунча чол-а, омонёр,
Бири ўлса, бири бор-а, омонёр.
Шайхонтовур зинаси-я, омонёр,
Қўнғироғи нимаси-я, омонёр.
Шу замоннинг аёллари, омонёр,
Соч кесгани нимаси-я, омонёр.
Дарахт учида ҳакка-я, омонёр,
Ҳакка юради тикка-я, омонёр.
Чоли кетган кампирлар-о, омонёр,
Қанақа юради якка-я, омонёр.
Чироғ ёнар ёғ билан-о, омонёр,
Бағрим куяр доғ билан-о, омонёр.
Ўйнамадим, кулмадим-о, омонёр,
Кўзи ўткир соғ билан-а, омонёр.

## ГУЛЁР

*Қибрайлик Анoржон Обидовадан ёзиб олинди.*

Гулёр айтсам гулёр-да, гулёр-ай,
Қизил гулинг ҳам бор-да, гулёр.
Ҳазил-ҳузул гапимга-я, гулёр,
Орқамдан эргашади-я, гулёр.
Гулёр айтсам ўн бешда, гулёр,
Орқа сочим қирқ бешта, гулёр.
Гулёр айтган хотинлар, гулёр,
Ётармикин беҳиштда, гулёр.
Гулёр гулёрга боқар, гулёр,
Ёрим сузилиб боқар, гулёр.
Гулёр айтган хотинлар, гулёр
Овози менга ёқар, гулёр.

Дарё бўйида жийда, гулёр,
Жийданинг барги майда, гулёр.
Ҳамманинг ёри шайда, гулёр,
Бизни қаламқош қайда, гулёр.
Аравани от тортар, гулёр,
Соясида ёр ётар, гулёр.
Ёрим обкелган зирак, гулёр,
Тақсам чаккамга ботар, гулёр.

## КЕЛИН САЛОМЛАР

*Онам Ҳадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Эртаю, кеч сув кечган,
Қатиқни пуфлаб ичган,
Қайнотасига салом.
Келинжон, деб авраган,
Иш қилмаса жавраган,
Қайнонасига салом.
Кўчадан келса ҳаллослаб,
Кўрпачага гурс ташлаб,
Яхтай чалоп қилдирган,
Ортганини илдирган,
Аммасига бир салом.
Қора кўзи мунчоқдай,
Кийинар кўғирчоқдай,
Ўзи сулув, сийратли,
Келинчакдай ғайратли,
Холасига бир салом.
Белига белбоғ боғлаган,
Мўйловини бураган,
Юриши вазмин бир-бир,
Ош пишмаса бесабр,
Қайнакасига бир салом.
Кичкина ариқдан ҳаллаган,
Ҳовлини мойдай ялаган,
Ўзига боқсанг мулойим,
Кулиб туради доим,
Қайнсинглисига салом.
Ҳамсояни хор қилмай,
Яхши гапга зор қилмай,
Яхши меҳмон кузатган,
Қўшни хакин узатган,
Ҳамсояларига салом.

* * *

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Эски тўн, эски гўппи,
Бошида йиртиқ дўппи,
Ёр салом, келин салом,
Қайнотасига салом.
Оғзи катта этакдан,
Чиқиб келган эртакдан,
Арслон десамми, йўлбарс,
Ҳеч ким келолмайди бас,
Ёр салом, келин салом,
Қайнонасига салом.
Бундай яхши киши йўқ,
Ҳеч ким билан иши йўқ,
Ёр салом, келин салом,
Катта акасига салом.
Лойга ботиб уй қурган,
Қўша-қўша туй кўрган,
Ёр салом, келин салом,
Катта опасига салом.
Ҳамёнин катта очган,
Топганин элга сочган,
Жигарим, деб тов ошган,
Лангар дарёдай тошган,
Кичик акасига салом.
Сўз билан асал ялатган,
Элни оғзига қаратган,
Ёр салом, келин салом,
Гулсора опасига салом.
Самарқандни ўпирган,
Шер йигит-да кўпирган,
Отлари Неъматуллоҳ,
Қўлласин доим Оллоҳ,
Неъматжон акасига салом.
Чумолидай жони бор,
Уйи тўла дони бор.
Кир ювгану нон ёпган,



Гапи ҳаммага ёққан,
Ёр салом, келин салом,
Қайнсинглисига салом.
Қаролининг қораси,
Йигитларнинг сараси,
Қари-қартанг олқаган,
Ҳамсоялар мақтаган,
Ёр салом, келин салом,
Куёв тўрага салом.
Ҳамма ишни дўндирган,
Айтганини қилдирган,
Гапига кирмаганнинг,
Оёқ-қўлини синдирган,
Ёр салом, келин салом,
Амакиларига салом.
Э, ҳаммаларига салом…

* * *

*Қамаши тумани Лангар қишлоғидан Қизларбас Равшановадан ёзиб олинди.*

Қизил конни камирган,
Хўжаи конни ўмарган.
Ёр салом, келин салом,
Қайнотасига салом.
Еганлари қаймоқдай,
Юришлари боймоқдай.
Ёр салом, келин салом,
Қайнонасига салом.
Ишга кетар тапир-тупур,
Ўзи қишлоқда шопир.
Ёр салом, келин салом,
Қайнакасига салом.
Кулганларни жилатган,
Ҳайвонларни сулайтган.
Ёр салом, келин салом,
Тоғаларига бир салом.
Ранг-рўйи паригина,
Жасадлари саригина,

Ёр салом, келин салом,
Овсинига бир салом.
Журишлари жилқидай,
Гавдалари тулкидай,
Ёр салом, келин салом,
Поччасига бир салом.

* * *

*Қамашилик Рўяб Мейлиевадан*
*ёзиб олинди.*

Карвон бошқи сарбондир,
Гул ўстирган боғбондир,
Ассалом, келин салом,
Қайнотасига салом.
Бағри тўла невара,
Шулар билан овора,
Ассалом, келин салом,
Қайнонасига салом.
Ғижима рўмол ўраган,
Бурилиб ойга қараган,
Ассалом, келин салом,
Қайнакасига салом.
Дастурхони каштали,
Ҳамма ердан ошнали,
Ассалом, келин салом,
Қайноғасига салом.
Келин келди, деб шошган,
Қозонда сутдай тошган,
Ассалом, келин салом,
Овсинларига салом.
Сувди сутдай шопирган,
Ёғни қордай ўпирган.
Ассалом, келин салом,
Қайнсинглисига салом.



* * *

*Қамашилик Рўяб Мейлиевадан*
*ёзиб олинди.*

Келинимиз янгича,
Биз келинга янгача,
Ёр салом, келин салом,
Азим тоғларга салом.
Салобатли сададек,
Дада деса, дададек,
Ёр салом, келин салом,
Қайнотасига салом.
Иягида киймаси,
Совуқ овқат емаси,
Ёр салом, келин салом,
Қайнонасига салом.
Аёлларнинг оппоғи,
Мисли олма ёноғи.
Ёр салом, келин салом,
Гулсум опасига салом.
Боғда узум ғўраси,
Куёв бола жўраси,
Норгулойнинг тўраси,
Ёр салом, келин салом,
Баҳром акасига салом.
Тегирмоннинг новидай,
Йигитларнинг довидай,
Ёр салом, келин салом,
Катта акасига салом.
Осмондаги юлдуздай,
Қоши кўзи кундуздай,
Дили ойдин кундуздай,
Ёр салом, келин салом,
Қайнсинглисига салом.

* * *

*Пахтаободлик Турғуной Мамасиддиқ қизидан ёзиб олинди.*

Маккатилло йўлида,
Китоблари қўлида,
Қайнотасига салом.
Тасбеҳини ўгирган,
Ўғлим бор, деб керилган,
Қайнонасига салом.
Томга қўйган шотидай,
Улоқчининг отидай,
Қайноғаларига салом.
Тахта полди шупирган,
Ҳар гапида гупирган,
Овсинларига салом.
От емиши гуручдан,
Узангиси кумушдан,
Раис бувага салом.
Семиз қўйини йўқотган,
Орик қўйини кўпайтган,
Чўпон бувага салом.
Чачиб қўйган маккадай,
Сайраб турган ҳаккадай,
Бригадирига салом.

* * *

*Қамашилик Ойбаҳор Қодир қизидан ёзиб олинди.*

Ўғил туғдим, деб керилган,
Иш қилишдан эринган,
Ёр-ёр, чор ёр,
Қайнонасига салом.
Ух-ху, ух-ху, йўталган,
Оттовани кўтарган,
Ёр-ёр, чор ёр,
Қайнотасига салом.
Билмаганни билдирган,



Ҳамма ишни дўндирган,
Ёр-ёр, чор ёр,
Катта момога салом.
Яхши кўз билан қараган,
Соқолини тараган,
Ёр-ёр, чор ёр,
Катта бувага салом.
Арикдаги зулукдай,
Қошу кўзи пиликдай,
Ёр-ёр, чор ёр,
Қайнопаларига салом.
Ош пиширар декчада,
Дафтари ётар токчада,
Ёр-ёр, чор ёр,
Қайнсингилларига салом.
Кир ювилган совундай,
Ичи тушган қовундай,
Ёр-ёр, чор ёр,
Холаларига салом.
Орқа сочи оловдай,
Дамлаб қўйган паловдай,
Ёр-ёр, чор ёр,
Аммаларига салом.
Тўнида бордир тўн боғи,
Белида бордир белбоғи,
Ёр-ёр, чор ёр,
Поччаларига салом.
Ердан қорни кураган,
Мўйловини бураган,
Ёр-ёр, чор ёр,
Қайнакаларига салом.
Олма, анорнинг пўсти,
Қолмасин ками кўсти,
Ёр-ёр, чор ёр,
Қўшниларига салом.

* * *

*Ургутлик Мунаввар Қаюм қизидан ёзиб олинди.*

Соқоллари пахмайган,
Саллалари қийшайган,
Катта бувасига салом.
Оғзида бир тиши йўқ,
Ҳеч ким билан иши йўқ,
Катта энасига салом.
Оқ соқоли кўксида,
Армони йўқ кўнглида,
Қайнотасига салом.
Тўрга кўрпа тўшаган,
Тўрт келинлар юмшаган,
Қайнонасига салом.
Элидай-хо, элидай,
Елкалари келидай,
Аммаларига салом.
Эгилганга энкайган,
Керилганга кеккайган,
Катта уйнинг бекаси,
Тўққиз ўғил энаси,
Холаларига бир салом.
Қайрағочдай соявли,
Оқ ўрикдай мевали,
Қайноғасига салом.
Ўрнидан туриб жой берган,
Тўрга ўтқазиб чой берган,
Овсинига бир салом.
Саломини аямай,
Сулув келин юмшаган,
Мол-дунёсин аямай,
Кумуш келин юмшаган,
Қайнопасига салом.
Кўнглида йўқ армон-а,
Чечажон, деб парвона,
Хизмат учун ягона,
Қайнсинглисига салом.



Қўлтиғида папкаси,
Ҳаммасидан каттаси,
Тоғасига бир салом.
Елкасида кетмони,
Кўриниши чапани,
Амакисига бир салом.
Э, ҳаммаларига минг салом...

* * *

*Жом қишлоғидан Хосият Холқул қизидан ёзиб олинди.*

Эшиги қиблага боққан,
Қилиғи худога жоққан,
Келин олай, деб ҳамён қоққан,
Қайнотасига салом.
Ул тувдим, деб керилган,
Нон жовишга эринган,
Қайнонасига салом.
Қопга тиққан похолдай,
Ўлиб қолган шохолдай,
Қайноғасига бир салом.
Тоғларда бордир тулки,
Оқ рўмолининг мулки,
Қариндошларига салом.
Кистасида пули жўқ,
Супрасида уни жўқ,
Куёв жўраларига салом.

* * *

*Балиқчилик Тожихон Ҳайдарали қизидан ёзиб олинди.*

Юришлари ғоздай,
Саллалари қоғоздай,
Ёр салом, келин салом,
Қайнотасига салом.
Оқ ўриги пишмаган,
Аравадан тушмаган,

Ёр салом, келин салом,
Қайнонасига салом.
Эшигимизнинг тамбаси кўп,
Куёв боланинг аммаси кўп,
Ёр салом, келин салом,
Аммаларига салом.
Тиқиб қуйган тиқмачоқ,
Тутиб қолмасин ҳиқичоқ,
Ёр салом, келин салом,
Холаларига салом.

* * *

*Балиқчилик Холисхон Йигитали қизидан ёзиб олинди.*

Хатда бордир таборак,
Ёши улуғ муборак,
Ёр салом, келин салом,
Қайнотасига салом.
Олма экиб, нок еган,
Ликопчада қанд еган,
Ёр салом, келин салом,
Қайнонасига салом.
Кўйлагини кенг кийган,
Келинларни тенг кўрган,
Ёр салом, келин салом,
Аммаларига салом.
Қоратолнинг оласи,
Ширин забон холаси,
Ёр салом, келин салом,
Холаларига салом.

* * *

*Булунғурлик Гулсора Усмон қизидан ёзиб олинди.*

Монглой чачи кўқиган,
Холи гилам тўқиган,
Қайнонасига бир салом.



Эрта турган, кеч ётган,
Қўйи, қўзисин сотган,
Қайнотасига бир салом.
Тўрга гилам тўшаган,
Тўрадай уллар жўмшаган,
Катта момога бир салом.
Тўбадан ўчоқ ковлатган,
Сойдан тулки овлатган,
Катта бувага бир салом.
Икки бети анордай,
Ўзини кўрсанг қанордай,
Овсинига бир салом.
Эшагини их, деган,
Носвойини туф, деган,
Қайнакасига бир салом.
Том бошида похол йўк,
Сийпаласанг соқол йўқ,
Қайнукасига бир салом.
Орқа чачи жингалак,
Тақиб олибди жумалак,
Қайнсинглисига бир салом.
Э, ҳаммаларига салом.

* * *

*Булунғурлик Ҳикматой Парда қизидан ёзиб олинди.*

Қайрағочнинг паттаси,
Элимизнинг каттаси,
Қайнотасига бир салом.
Манглайлари тиришган,
Чаккалари қуришган,
Қайнонасига бир салом.
Сувга солган бовлиқдай,
Уч ташлаган совлиқдай,
Аммасига бир салом.
Зарафшоннинг селидай,
Қарсиллаган келидай,
Холасига бир салом.

Жонбошлаб жотган,
Носвойини отган,
Қайноғасига бир салом.
Ажинанинг эридай,
Буришиб қолган теридай,
Поччасига бир салом.
Ойимлар кўрган ойнадай,
Айланиб оққан дарёдай,
Қайнсинглисига бир салом.
Манови тоғнинг ораси,
Йигитларнинг сараси,
Қайнисига бир салом.
Кавушлари полпиллоқ,
Қўш кўкраги шолпиллоқ,
Чечаларига бир салом.

* * *

*Чирчиқлик Юлдузхон Усматовадан ёзиб олинди.*

Хашладигу хашладик,
Ошга пиёз ташладик,
Салом, салом, келин салом,
Салом, саломдан бошладик.
Тоғу тошни гул қилган,
Икки ёшни бир қилган,
Салом, салом, келин салом,
Аввал худойимга салом.
Жойлари бўлсин жаннатда,
Руҳлари ҳам роҳатда,
Салом, салом, келин салом,
Ўтган ота-боваларга салом.
Жойнамози қўлида,
Доим худо йўлида,
Мачитга қараб йўл олган,
Оллоҳ йўлидан борган,
Салом, салом, келин салом,
Маҳалла қарияларига салом.
Гилам, палос тахлаган,



Топганини сарфлаган,
Салом, салом, келин салом.
Қайнотасига салом.
Думбаси катта қўй берган,
Юрт кўргудай тўй берган,
Салом, салом, келин салом,
Яна қайнотасига салом.
Меҳмон келса хуш, деган,
Меҳмонхона бўш, деган,
Салом, салом, келин салом,
Хонадонга бир салом.
Юзлари нурга тўлган,
Етмиш баҳорни кўрган,
Салом, салом, келин салом,
Бувижонларига салом.
Симли атлас сақлаган,
Сарпога, деб тахлаган,
Салом, салом, келин салом,
Қайнонасига салом.
Оппоққина билаги,
Эгалик бўлди элаги,
Сўзларидан бол томган,
Келин олиб лол қолган,
Салом, салом, келин салом,
Қайнонасига яна салом.
Белида шоҳи белбоғ,
Муборак сизга гулбоғ,
Келин ишқида ёнган,
Висолга етиб қолган,
Салом, салом, келин салом,
Куёв тўрага салом.
Бозорда бўлади харидори,
Йигитларнинг сардори,
Салом, салом, келин салом,
Куёв жўрага салом.
Бир гап билан кулдирган,
Айтганини қилдирган,
Салом, салом, келин салом,
Кичик қайнисига салом.

Жиян бошини силаган,
Бахт ва омад тилаган,
Салом, салом, келин салом,
Амаки, тоғаларига салом.
Паст девордан қараган,
Келин ким, деб сўраган,
Салом, салом, келин салом,
Қўшниларига бир салом.
Одамлару одамлар,
Эшитмадим, деманглар,
Гина-кудурат қилманглар,
Номим чиқмади, деманглар,
Салом, салом, келин салом,
Ҳаммангизга келин салом...

* * *

*Бўкалик Шарифа Ориповадан ёзиб олинди.*

Бисмиллодан бошладим,
Ошга пиёз ташладим,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг азиз дўстлар,
Аввал худога салом.
Ҳаммамизни тенг қилган,
Бирини ёқа, енг қилган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эштиб олинг азиз дўстлар,
Пайғамбаримизга салом.
Тўй қилиб муродга етган,
Шу бугун қайғуси кетган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Қайнотасига салом.
Келин олиб қувонган,
Фарзанд меҳрига қонган,



Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Қайнонасига салом.
Олма берса олмаган,
Уйлантир, деб қўймаган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Куёв тўрага салом.
Ўтириб, ўтириб уй қилган,
Қалин бермай тўй қилган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Аммажонига салом.
Ундан, бундан сўрамаган,
Иккита ёстиқ қурамаган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Холаларига салом.
Дарвозани кенг очган,
Дунё молини сочган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Акаларига салом.
Қора кўз, қора қошли,
Айтган сўзи кенгашли,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Опачаларига салом.
Кўйлаклари бурмали,
Қоши кўзи сурмали,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,

Қайнбекаларига салом.
Ёқалари садафли,
Ўзи жуда одобли,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Сингилларига салом.
Қўлида дафтар, қалами,
Канда бўлмас саломи,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Кенжатойга бир салом.
Тиллари чучуккина,
Бурниси пучуққина,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Невараларга салом.
Нон бер, деса нон берган,
Нон ўрнига жон берган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Овсинларига салом.
Эшик очиб қараган,
Тўй қачон, деб сўраган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Қўшниларига салом.
Хизмат бўлса бўлишган,
Ойдек бўлиб тўлишган,
Салом, салом, ёрай,
Келин салом, ёрай,
Эшитиб олинг, азиз дўстлар,
Дўст-ёрларига салом.
Ҳаммангизга бир салом...



* * *

*Хивалик Зевар Ибодуллаевадан ёзиб олинди.*

Икки йўлнинг ўртасинда қатнаган,
Қудаларни бир-бирина мақтаган,
Дойисина бир салом.
Олтин юзика қош бўлган,
Катта-кичика бош бўлган,
Ойисина бир салом.
Галин олиб герилган,
Дабдабага барилган,
Қайнотасина бир салом.
Айтганини бўлдирған
Олтин тишлар қўйдирған
Қайнонасина бир салом.
Тўй ишина қарашган,
Сарполарни санашган,
Амма, холасина бир салом.
Қадди-қоматли, давлатли,
Қадам ташлаши савлатли,
Акасина бир салом.
Тўлиб-тошган арнадин,
Икки юзи олмадин,
Қайинбикаларина бир салом.
Сўзлаган сўзлари қаймоқдин,
Оғзи, бурни уймоқдин,
Холаларина бир салом.
Рапидани қақшатган,
Нонларини ўхшатган,
Нонвой опага бир салом.
Оқ айвона пешона,
Яхшилардан нишона,
Амакисина бир салом.
Али олтин юзикли,
Қоши гўззи сузукли,
Бикажона бир салом.
Хизмати эла ёққан,
Бири-биридан чаққон,

Кичик холасина бир салом.
Ўнг эшикдан қараған,
Тўй қачон, деб сўраған,
Қўшнижонларина бир салом.
Оқ айвоннинг ўраси,
Йигитларнинг тўраси,
Гиёв болаға бир салом.
Гўйнаклари бурмали,
Қоши-гўзи сурмали,
Опасина бир салом.
Борган еринда қор атган,
Гўйнакларни ҳор атган,
Қайинопасина бир салом.
Инжу маржон дишлари,
Гул боққандек ишлари,
Қайинсинглисина бир салом.
Ҳаммаларина салом...

## ХУШ КЕЛДИНГИЗ

*Қаршилик Маҳкам Зоҳид қизидан ёзиб олинди.*

Сарви бўйли хуш қадам,
Янги меҳмон, хуш келдингиз.
Тиллари асал мисол,
Ширинзабон, хуш келдингиз.
Салтанат бирла келиб,
Тушдиз бу давлат хонага.
Бошингизга қўнди давлат,
Жон меҳрибон, хуш келдингиз.
Умрингиз бўлсин узоқ,
Ҳам бахтингиз бўлсин кушод,
Толеингиз бўлсин баланд,
Ёнган чироқ, хуш келдингиз.
Баодоблик бирла хизматга,
Туринг ҳар субҳи шом,
Юринг худди товус каби,
Раънносифат, хуш келдингиз.
Қошлари куйган қаламдек,



Тиллари қанду асал,
Онасининг эркаси,
Арзанда қиз, хуш келдингиз.
Қайнотангиз чақирсалар,
Лаббай, дея сакраб туринг.
Қайнонангиз кирсалар,
Таъзим бирла сузилиб туринг.
Дўсту ёрлариз ичинда,
Сўзи ширин, шаккар келин.
Сарафроз бўлгайсиз мудом,
Ҳуру ғилмон, хуш келдингиз.
Лаблари мисли ҳақиқ,
Оқ тишлари дурдонадур.
Қовоқлари бодом эрур,
Юзи ширмон, хуш келдингиз.
Бўйларииздан ўргулай,
Гулдастайи сарви суман.
Орзу айлар кўрарга,
Ажиб инсон, хуш келдингиз.
Боғ билан кўркам замон,
Сочлари тор-тор эрур.
Киприклари ханжар мисол,
Бегумон хуш келдингиз.

* * *

*Қаршилик Маҳкам Зоҳид қизидан ёзиб олинди.*

Офтоби анбарим хуш келдингиз,
Мушкулимнинг сарвари хуш келдингиз.
Эй куёв, неччига кирди ёшингиз?
Хўжаи Хизр бўлсин йўлдошингиз.
Мен ўтарман эшигиздан паст бўлиб,
Оёғизга чирмашарман хас бўлиб.
Оёғизга чирмашиб олсам хас бўлиб,
Иккимиз даврон сурайлик дўст бўлиб.
Эй йигит, саллангиз дароз экан,
Шохага илдирманг йигит.
Иккаламиз дўст бўлайлик,
Душманга билдирманг йигит.

## ТУРЛИ МАВЗУДАГИ ҚЎШИҚЛАР

*Ғазалкентлик Жумагул Шораҳмедовадан ёзиб олинди.*

Оқ рўмолим бошимда,
Қашқар ўсма қошимда.
Ўн саккизгина ёшимда,
Не савдолар бошимда.
Рўмолим тўла чигит,
Саройда саккиз йигит.
Саккиз йигит ичида,
Шу ёрим тоза йигит.
Том устига том солдим,
Устида болохона.
Ёрим санга на бўлди?
Ётишинг мемохона.
Мемохонада ётиб,
Жабру жафони тортиб.
Эрта билан келасан,
Ёнингга бўйра ботиб.
Рўмолимнинг учисан,
Уч ошиқнинг бирисан.
Ҳамма ошиқ бир ошиқ,
Сен кўзимнинг нурисан.

* * *

*Тошкентлик Онахон Қирғизбоевадан ёзиб олинди.*

Қош қароли дарвозанг,
Бир чертдим-о, билмадинг.
Томга чиқиб қарадим,
Сен сира уйғонмадинг.
Мажнунтолнинг попуги,
Елкагинамга ботади.



Қандай йигит бу йигит,
Эрта кечдан ётади.

* * *

*Тошкентлик Ҳалима Расуловадан ёзиб олинди.*

Қайрағочми, катта тол,
Соя соламан, дейди.
Бувам тенги қари чол,
Мени оламан, дейди.
Сочпопугим учида,
Кўзмунчоғим бир шода.
Буважоним, йўлдан қолманг,
Кўнглим бўлади зада.
Заргар ясар тиллақош,
Келинчаклар тақсин, деб.
Кўздан томар маржон ёш,
Ёш йигитлар боқсин, деб.

* * *

*Тошкентлик Нозимахон Каримжоновадан ёзиб олинди.*

Олов ёнар ўчоқда,
Шуълалари узоқда.
Қайғурмагин қайлиғим,
Келгин отам йўқ чоғда.
Шаҳарим шу нор кўча,
Чинор кўча, тор кўча.
Йўлга чиқиб кутаман,
Ёрим келгин шу кеча.
Ой ботади оқ, оппоқ,
Сочларингта тумор тақ.
Сочидаги тумори,
Бизни қилар хумори.
Чўлда шамол эсади,
Совуқлари кесади.
Ёр йўлига чиққанда-ё,

Гирдоб йўлим тўсади.
Йўлда турган қайиқман,
Гирдоблардан ҳайиқма.
Ишқимда содиқ бўлсанг,
Отам зулмидан қўрқма.

* * *

*Тошкентлик Ҳалима Расуловадан ёзиб олинди.*

Мен борай борганимча,
Зеҳнимни солганимча.
Зеҳнимни солган жойда,
Очилсин қизил ғунча.
Иккала танга бир танга-ё,
Пошшойи танга-танга.
Боролмадим ҳотамга-ё,
Айтиб берманг отамга.

* * *

*Тошкентлик Ҳалима Расуловадан ёзиб олинди.*

Дарахтга қўнди ҳакка,
Поездга чиқдим якка.
Тезроқ ҳайданг поездни,
Ёрим кутади якка.
Ошиқ бўлдим ўзингга,
Қошинг билан кўзингга.
Айтолмайман юзингга-ё,
Инсоф берсин ўзингга.

* * *

*Тошкентлик Севара Турсуновадан ёзиб олинди.*

Боғимдаги норимни,
Кириб узсанг розиман.
Овга чиқсанг кўлларнинг,



Ўрдагиман, ғозиман.
Кўча-кўйинг лой бўлибди,
Ўтгани жой бормикан?
Оқ юзингга хол тушибди,
Ўпгани жой бормикан?
Ироқи дўппи тикманглар,
Ироққа кетар йигитлар.
Бодом дўппи тикинглар,
Боғда юрсин йигитлар.

* * *

*Тошкентлик Раъно Абдураҳмоновадан ёзиб олинди.*

Келинчагу келинчак,
Учаверсин арғимчоқ.
Янаги йил шу пайтда,
Тебратасиз беланчак.
Қирғий ётур қиёда,
Бургут ётур биёда.
Барча қизлар ичида,
Келинчаклар зиёда.
Пиёланинг синиғи,
Мунчоқларнинг тиниғи.
Куёвларга ёқади,
Келинчаклар қилиғи.
Адрас кийдим ўхшатиб,
Тугма боғин бўшатиб.
Худойим ўғил берсин,
Куёвизга ўхшатиб.

* * *

*Қамашилик Махфират Худойқуловадан ёзиб олинди.*

Келинчагу келинчак,
Соядаги бойчечак.
Жуда катта ҳовлиси,

Супуришга эринчоқ.
Келин кўнгли ғашмиди?
Савзи тўғраш ишмиди?
Эрталаб қўйган оши,
Номозшом ҳам пишмади.
Келинчагу келинчак,
Соядаги бойчечак.
Жуда катта ҳовлиси,
Супуришга эринчоқ.

* * *

*Қамашилик Абдусаттор Муҳаммадиевдан ёзиб олинди.*

Келиной, келин, дейишади,
Зулпини шамол эшади.
Орқасидаги пўпаги,
Кавуш бетига тушади.
Келиной келди кийиниб,
Кийганларига суйиниб.
Мақтаб қўйсанг камзулин,
Ўз-ўзидан тийиниб.

* * *

*Тошкентлик Қумрихон Абдураззоқовадан ёзиб олинди.*

Ақлу идрокда танҳо,
Ҳушёр, зийрак, бебаҳо.
Қўшнилар берар баҳо,
Келиним-о келиним.
Чумолидай меҳнаткаш,
Суҳбати ширин, дилкаш.
Ширин сўзли, ҳазилкаш,
Келиним-о келиним.
Ойи, деб аста келар-о,
Эркалаб бошим силар-о.
Мани жонидай билар-о,
Келиним-о келиним.



* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Учқурликда қанотимдан қайрилдим,
Тулпор эдим туёғимдан айрилдим.
Армон билан ғафлат қолдим, ўртоғлар,
Эрка ўсган эл-юртимдан айрилдим.
Кўнгил қушим хурсандимдан айрилдим,
Ширин жоним, пайвандимдан айрилдим.
Ўзгинамдан сўзим эшит, ўртоғлар,
Эрка ўсган эл-юртимдан айрилдим.
Сорахоннинг орқасидан келасилар,
Нима бўлди шайда ҳолин кўрасилар.
Мен бурилдим сиздан жавоб олмоққа,
Обкетишин элима талаб қилмоққа.
Ғожғиждонда алвон-алвон юргайсиз,
Ўлмай туриб давру даврон сургайсиз.
Синглим сизга топширибман дадамни,
Мен боргунча бувимни асраб тургайсиз.

* * *

*Яккабоғлик Раҳима Файзиевадан ёзиб олинди.*

Рўмолим бор қирқ тешик,
Қибладан очай эшик.
Келинлару биз бўлсак,
Тилладан ясай бешик.
Шишани қандоқ синдироллар?
Шундоқ, шундоқ синдироллар.
Шишани қандоқ синдироллар?
Уриб, уриб синдироллар.

* * *

*Тошкентлик Раҳбархон Устаматовадан ёзиб олинди.*

Наманганга борар бўлсанг,
Нималар қилойин?

Рўмолчангга анжир тугиб,
Ширалар қилойин.
Сен бировнинг ёри бўлсанг,
Нималар қилойин?
Қўлгинамга тушар бўлсанг,
Ўзим билойин.
Дарёларда оқар бўлсанг,
Нималар қилойин?
Оппоққина балиқ бўлиб,
Йўлинг тўсойин.
Тоғ-тошларда кийик бўлсанг,
Нималар қилойин?
Камонлари таранг бўлган,
Сайёд бўлойин.

* * *

*Тошкентлик Раҳбархон Устаматовадан ёзиб олинди.*

Дарёларнинг ул юзида,
Бир тўп палак-ай.
Ул палакнинг тагларида,
Қўш ҳандалак-ай.
Ул ҳандалак бири хому,
Бири ширин, вой дод-ай.
Наманганнинг қизларининг,
Тили ширин, вой дод-ай.
Дарёларнинг ул юзида,
Бир тўп чинор-ай.
Чинорларнинг тагларида,
Қўш-қўш минор-ай.
Гўзалларнинг бири гулу,
Бири райҳон, вой дод-ай.
Наманганнинг қизларига
Ҳамма ҳайрон, вой дод-ай.



* * *

*Янгибозорлик Бийрон Жўраевадан ёзиб олинди.*

Бизди ҳовли паст ҳовли,
Тоғу тошдан кўтарган.
Бу замоннинг қизлари,
Пардоз билан оқарган.
Ҳовлингизда йўлингиз-о,
Очилибди гулингиз.
Бизга нега қарамайсиз,
Кимда экан кўнглингиз?
Оққина гулинг бўлойин,
Сиқимингта тўлойин.
Уйингга меҳмон келса,
Хизматингда туройин.

* * *

*Паркентлик Ҳакима Шоназаровадан ёзиб олинди.*

Том бошида тарнов бор,
Олманинг баргидаккина.
Уйдан чиқсам анов бор,
Жийданинг баргидаккина.
Кўзи кўзимга тушса,
Олманинг баргидаккина.
Юрагимда олов бор,
Жийданинг баргидаккина.
Ғунча ғунчага боқади,
Олманинг баргидаккина.
Елкамни шамол қоқади,
Жийданинг баргидаккина.
Шу кўчада бир йигит,
Олманинг баргидаккина.
Бай-бай юрагим ёқади,
Жийданинг баргидаккина.
Олманинг оқи билан-о,
Олманинг баргидаккина.

Ёнида япроғи билан-о,
Жийданинг баргидаккина.
Бизни ёр хат ёзади,
Олманинг баргидаккина.
Кичкина бармоғи билан-о,
Жийданинг баргидаккина.
Сув келади мўридан,
Олманинг баргидаккина.
Мўридан ҳам наридан,
Жийданинг баргидаккина.
Опагинанг айлансин,
Олманинг баргидаккина.
Кокилингнинг торидан,
Жийданинг баргидаккина.

* * *

*Янгибозорлик Бийрон Жўраевадан ёзиб олинди.*

Чилдирмангиз чин ошиқ,
Чаманнорингман-ай.
Чинордан қилманг қошиқ,
Бўйлорингдан-ай.
Ҳай, намунча ширин экан,
Чаманнорингман-ай.
Кўз очиб кўрган ошиқ,
Бўйлорингдан-ай.
Вой, жимжилоғим жим билан,
Чаманнорингман-ай.
Чақириб қўяй им билан-о,
Бўйлорингдан-ай.
Вой, мани кўнглим сиз билан-о,
Чаманнорингман-ай.
Сиз кетасиз ким билан-о,
Бўйлорингдан-ай.
Ариқ бўйида юлғун,
Чаманнорингман-ай.
Юлғуннинг барги сўлғун,
Бўйлорингдан-ай.



Сан мани ёрим бўлгин,
Чаманнорингман-ай.
Дунё тургунча тургин,
Бўйлорингдан-ай.
Ойни кўрдим осмонда,
Чаманнорингман-ай.
Булутнинг орасида-ё,
Бўйлорингдан-ай.
Ёр сани таниб қолдим,
Чаманнорингман-ай.
Қошингни қаросидан-о,
Бўйлорингдан-ай.
Қизил гулинг бўламан,
Чаманнорингман-ай.
Ҳовучингга тўламан-о,
Бўйлорингдан-ай.
Кўнгил қўйгин севар ёр,
Чаманнорингман-ай.
Хизматингда бўламан-о,
Бўйлорингдан-ай.

* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Олма барги орданам,
Қолди кўнглим ёрданам.
Қолса кўнглим ёрданам,
Кечай сендай бойданам.
Ёримсану ёримсан,
Танамдаги жонимсан.
Қоронғи кечаларда,
Ўчмаган чироғимсан.
Қошим қаро ҳиломан,
Сизди қайдан биломан.
Сиз ошиқу мен ошиқ,
Нима савдо қиломан?
Ёримди уйларини,
Кўрмадим бўйларини.

Кўрсайдим бўйларини,
Тикардим тўнларини.
Ёрим кетди Наманган,
Мени келсин, демаган.
Ўзи оққан сойларга,
Мени оқсин, демаган.

* * *

*Булунғурлик Башорат ая Ибодоват қизидан ёзиб олинди.*

Рўмолим бор ҳайгули,
Ўртаси чойдиш гули.
Акасининг топгани,
Укасига чой пули.
Рўмолининг учини,
Туймаганга туйдирдим.
Ўн беш яшар қиз бўлиб,
Куймаганни куйдирдим.
Ғижим рўмол бошимда,
Сачоқлари қошимда.
Ўн бешгина ёшимда,
Не савдолар бошимда.

* * *

*Булунғурлик Майрам Ғаффоровадан ёзиб олинди.*

Пойиз келади тутаб,
Ҳамма чироғин осиб.
Ичи тўла бўз бола,
Бир-бирига муносиб.
Дарё бордим кечгали,
Ўтирдим сув ичгали,
Акам кетди урушга,
Қанотим йўқ учгали.
Акамди душман отмасин,
Қиличда қон қотмасин.
Шу урушди бошлаган,



Ниятига етмасин.
Осмонда бор беш юлдуз,
Берок-берок келинглар.
Уруш кетган оғамнинг,
Хабарини беринглар.
Том устида тол таёқ,
Оғам тўни ялтироқ,
Оғам урушда ҳали,
Икки кўзим шамчироқ.

* * *

*Булунғурлик Гулсора Усмон қизидан ёзиб олинди.*

Катта боғ ичида катта тўриқ от,
Тўриқ от сағрининг бир ойга қарат.
Менинг оғажоним урушда ҳали,
Илоҳим бошини тошлардан ярат.
Боққа кириб шафтолида қолди кўзим,
Бизди ёр чақирмасам келар ўзи.
Юрагимни ғам босди-ей, кела қолсин,
Бизди ёрга худойим берсин тўзим.
Бизди ёрлар билсангиз йигитларнинг султони,
Кистасида юради Асаканинг қалами.
Асаканинг қаламини ташласа ташлай қолсин,
Келаман, деб келмаса сира кетмас алами.
Сойди қаранг бир олма оқиб-оқиб келади,
Жонбошида бир беҳи қалқиб-қалқиб келади.
Бизди ёр юрагини худо товдан яратган,
Урушдан эсон-омон ойдай балқиб келади.

* * *

*Ургутлик Шоира Маҳмуд қизидан ёзиб олинди.*

Тирмашиб чиқдим чинорнинг шохига,
Икки қиз ўсма қўярди қошига.
Олма билан битта урдим бошига,
Рўмоли тўлди кўзининг ёшига.

Рўмолингни бергин, мен қуритай,
Қибладан келган шамолни мен кутай.
Қибладан келган шамол чангу ғубор,
Не гуноҳим бор эди парвардигор?
Қибладан келган шамол қор келтирар,
Савдога кетган ёрим мол келтирар.
Савдога кетган ёрим молинг қани?
Соқолингга оқ тушибди ўғлинг қани?

* * *

*Қамашилик Абдусаттор Муҳаммадиевдан ёзиб олинди.*

Товга чиқдим тўқ илондай тўлғониб,
Фикри-ёдим ўй-хаёлга чўлғаниб.
Бойланибман қўш пичоқнинг бандидай,
Пастга эндим ранги-рўйим сарғайиб.
Қўш пичоқнинг бандидай мардлар қайдадир?
Ота-онамнинг уйидай уйлар қайдадир?
Ота-онамнинг уйида минг қилиқли эрка эдим,
Тақрон ерларда ўз ҳолимча ўйнар эдим.
Тақрон ерга бехос тайрина тушдим,
Қадр билмасга қайлардан тушдим?
Қадр билмас бунчалар қаҳр экан,
Бағрида очилган гул сўлиган баҳор экан.
Қадр билмас қамчи олди қўлига,
Тек тур, қамчини қайирма дейди-ё.
Олти ойда қайтиб келсам,
Шунда ҳам қайғурма, дейди-ё.

* * *

*Қамашилик Жамбуви Маматовадан ёзиб олинди.*

Ёрғичоқ торта, торта,
Толди қўлим.
Икки тош орасида
Қолди йўлим.
Икки тош орасида,



Қолмас эди, қолдирдилар.
Икки қўлим толмас эди, толдирдилар.
Оғам тўни бекасам,
Жоғасига гул солсам.
Жоғасига гул солиб,
Жонбошида ўйнасам.
Олисга қиз берманглар,
Олар кетар.
Дарёга тош отманглар,
Ботар кетар.
Олисга тушган қизнинг,
Ранги сариқ.
Кўзидан ёш оқади,
Мисли ариқ.

* * *

*Балиқчилик Тожихон Ҳайдарали қизидан ёзиб олинди.*

Мен кетаман элимга ажаб, ажаб,
Белбоғ беринг белимга ажаб, ажаб.
Олти ойда келмасам ажаб, ажаб,
Қараб туринг йўлимга ажаб, ажаб.
Оқ атласдан дастурхоним ажаб, ажаб,
Бодом қўйдимми сенга ажаб, ажаб.
Ҳо, ўзинг ошиқ бўлгансан ажаб, ажаб,
Одам қўйдимми сенга ажаб, ажаб.
Чилдирмангни қарс урган ажаб, ажаб,
Билагингдан айланай ажаб, ажаб.
Ёрим шу, деб оҳ урган ажаб, ажаб,
Юрагингдан ўргулай ажаб, ажаб.

* * *

*Ургутлик Мунаввар Муҳаммади қизидан ёзиб олинди.*

Учир, учир айланай, додай,
Учирмасанг ёр қайда, учир.
Қайга адашиб бординг, додай,

Сизди гул ёрон шайда, учир.
Бошингдаги дўппингни, додай,
Гулларини ким тиккан, учир.
Иккала бетинг қип-қизил, додай,
Қайсиси аллаб ўпган, учир.
Патир қилдим зиралик, додай,
Икков боққа кирайлик, учир.
Икков боққа кирганда, додай,
Бирга даврон сурайлик, учир.
Бунда борсам ётибсан, додай,
Гул ёстиққа ботибсан, учир.
Гул ёстиқни кўтарсам, додай,
Гулдай тоза ётибсан, учир.
Гул экдим ҳода бўлди, додай,
Маржоним шода бўлди, учир.
Айни ўйнар чоғимда, додай,
Юрагим зада бўлди, учир.

* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Рўмолимда мушким бор, ўзим ўргулай,
Ўйнамоққа ишқим бор, эй, вой санам.
Ўйнатгани қўймайди, ўзим ўргулай,
Орамизда душман бор, эй, вой санам.
Сочим нега ўсмади, ўзим ўргулай,
Ювмадим, тарамадим, эй, вой санам.
Ёрим нега келмади, ўзим ўргулай,
Қайрилиб қарамадим, эй, вой санам.

* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Ёримнинг отлари аврону даврон,
Индамай турсам ҳам қўлида гаврон.
Индамасам нима мани уроллар,
Гавронни зарбини кейин билаллар.



Дарёга ташладим мен қайиғимни,
Ака сўраб ўтирма қай жойлигимни.
Ака сўрайверсанг қай жойлигимни,
Жавобим бер топай ўз қайиғимни.

* * *

*Ургутлик Шоира Маҳмуд қизидан ёзиб олинди.*

Дугонам ҳовли олибди,
Девори пастаккина.
Ичига гуллар экибди,
Ҳаммаси бирдаккина.
Гулидан олай, десам,
Тикони бор, тикони бор.
Сувидан ичай, десам,
Илони бор, илони бор.
Сувидан ичмас эдим,
Ичирдилар, ичирдилар.
Ота-онам юртидан,
Кўчирдилар, кўчирдилар.

* * *

*Булунғурлик Башорат Ибодоват қизидан ёзиб олинди.*

Ўсма экдим уялиб,
Барги чиқди буралиб.
Тегмангизлар баргласин,
Тегмангизлар шохласин.
Бизди ёрга айтингиз,
Адрас олиб тахласин.
Адрас макон лас макон,
Кўнгил қургур хас макон.

* * *

*Балиқчилик Тожихон Ҳайдарали қизидан ёзиб олинди.*

Қизил гулни уздим шонасига,
Мани ёрим гап чақади онасига.

Мани ёрим гап чақса онасига,
Бу жоним куймайди боласига.
Эрта билан тураман, боққа кираман,
Боғда бодом тўкилса, териб оламан.
Териб олган бодомни сенга бераман,
Ота-онам рухсат берса, ваъда бераман.

* * *

*Пахтаободлик Шаҳноза Умрзоқ қизидан ёзиб олинди.*

Эрта кўрсам кошки,
Бўйингиз кўрсам кошки.
Қўлингиздан бир пиёла,
Чой ичолсам кошки.
Чошгоҳдан кейин туш бўлур,
Ёримни кўнгли хуш бўлур.
Бир кўрмасам беҳуш бўлур,
Бир кўрсамиди кошки.
Тушдан кейин бўлур пешин,
Ёримнинг кўнгли аврошин,
Аврошиндай бўйига,
Чўлғаниб тушсам кошки.
Пешиндан кейин шом бўлур,
Ёримнинг кўнгли беғам бўлур,
Бир кўрмасам ғам бўлур,
Бир кўролсам кошки.
Шомдан кейин бўлур хуфтон,
Икки ошиқ бир жуфтдан,
Икки ошиқ бир бўлса,
Тонг отмаса кошки.

* * *

*Яккабоғлик Раҳима Файзиевадан ёзиб олинди.*

Вой, вой, оҳай, нозигулай,
Очилади тозагул.
Нозигулнинг рўмоли-я,



Учларида тумори.
Бугун кўрсанг бу ўйинни,
Этта қилар хумори.

Вой, вой, оҳай, нозигулай,
Очилади тозагул.
Дукур, дукур от келди-ё,
Чиқиб қаранг ким келди.
Узангиси тиллодан,
Қизларга совчи келди.

Вой, вой, оҳай, нозигулай,
Очилади тозагул.
Нозигулим ноз экан-о,
Юришлари соз экан.
Мунча чиройли десам,
Упаю пардоз экан.

* * *

*Ургутлик Ҳикоят Исроил ва Ҳаловат Жаҳонгир қизидан ёзиб олинди.*

Қошинг асли қародир,
Ўсма қуйганинг ёлғон.
Сенинг учун мен куйган,
Сенинг куйганинг ёлғон.
Қошинг ўртаси чўтир,
Ўсма қўймай тек ўтир.
Ўз куйигим ўзимга,
Сен куйдирмай тек ўтир.
Қоши қаро қатлама,
Ёрга кўнгил боғлама.
Ёрга кўнглингни боғлаб,
Ташлаб кетса йиғлама.
Қаро қошга ковил ўсма,
Санамнинг йўлини босма.
Санамнинг йўлини боссанг,
Кетар қошингдан ўсма.
Ўсма экилмадими?

Таги чопилмадими?
Чолга тегиб боряпсан
Тенгинг топилмадими?

* * *

*Қамашилик Абдусаттор Муҳаммадиевдан ёзиб олинди.*

Оттор сотган оқ алак,
Женг бўлмади, жон отам.
Ўн саккиз яшар жигиллар,
Тенг бўлмади, жон отам.
Отам мени отдилар,
Бегонага сотдилар.
Бегонага сотди-ю,
Олтин, кумушга ботдилар.
Оқ куртамди овир, деб
Отга солди, жон отам.
Ўз элини жомон, деб
Жотга сотди, жон отам.
Отам мени отдилар,
Бегонага сотдилар.
Бегонага сотди-ю,
Олтин, кумушга ботдилар.

* * *

*Тошкентлик Ҳафиза Наврўзовадан ёзиб олинди.*

Мен ўзи қиз боламан,
Қирларга қараб бораман.
Қўлимга созим олиб,
Қўшиқлар айтиб бораман.
Ўсмалар қўёди қизгина,
Сурмалар қўёди қизгина.
Вой қани? Вой, мана,
Ййраб келади қизгина.
Ўйнаб келади қизгина,
Ййраб келади қизгина.



Ёнбошига қарамасдан,
Кулиб келади қизгина.
Ўсмалар қўёди қизгина,
Сурмалар қўёди қизгина.
Вой қани? Вой, мана,
Ййраб келади қизгина.

* * *

*Яккабоғлик Раҳима ва Махфират Файзиевадан ёзиб олинди.*

Ой деразадан қараган-о,
Сочини майда тараган.
Бедана бўлиб учдим-о,
Шолипоянгга тушдим.
Оло, ҳо, ҳо, ҳо,
Шолипоянгга тушдим.

Келамиз-о келамиз,
Шаҳри Кешдан келамиз.
Аслимизни сўрсангиз,
Яккабоғдан бўламиз.
Оло, ҳо, ҳо, ҳо,
Яккабоғдан бўламиз.

* * *

*Қибрайлик Аноржон Обидовадан ёзиб олинди.*

Чумчуқлар чирқиллайди,
Ёз келганга ўхшайди.
Дарвозам ғирчиллайди,
Ёр келганга ўхшайди.
Ой-ой, нозигул-ай,
Ёр келганга ўхшайди,
Айланиб келинг бизга.
Чархим чархида қолди,
Дуким дугида қолди.
Танлаб олган беқасам,

Чевар қўлида қолди.
Ой-ой, нозигул-ай,
Чевар қўлида қолди,
Айланиб келинг бизга.
Мен сочим тарамайман,
Номаҳрам тароғида.
Қандай жавоб бераман,
Ёримнинг сўроғига.
Ой-ой, нозигул-ай,
Ёримнинг сўроғига,
Айланиб келинг бизга.
Ариқ бўйинив уйдим,
Қўлимга хино қўйдим.
Ота-онамдан кечиб,
Ёримга бино қўйдим.
Ой-ой, нозигул-ай,
Ёримга бино қўйдим,
Айланиб келинг бизга.
Рўмолим учи тугун,
Тугунни ечай бугун.
Сафарга кетган ёримни,
Соғинибман шу бугун.
Ой-ой, нозигул-ай,
Соғинибман шу бугун,
Айланиб келинг бизга.

* * *

*Қибрайлик Аноржон Обидовадан ёзиб олинди.*

Қизил гул тагида ширчой,
Ичиб хумоталар бўлдим.
Сенинг ҳусну жамолингга,
Ажаб девоналар бўлдим.
Қора қошли, қора отлиқ,
Мени кўргони келдингми?
От билан лолазоримни,
Хазон этгони келдингми?
Дарахтсиз ҳовлига кирсам,



Бошимдан не доғлар ўтди.
Бўйиздан ўргулай ёрим,
Сизни қадриз ёмон ўтди.

* * *

*Қибрайлик Аноржон Обидовадан ёзиб олинди.*

Ака симдир рўмолим-о,
Шилдирайди туморим.
Ёрим келар паллада,
Шошиб турар юрагим.
Ёр, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Тошканларнинг рўмоли,
Ўртасида бор ойи.
Рўмолига ярашган-о,
Учбурчакли тумори.
Ёр, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Рўмолим учи очиқ,
Томга чиқсам кун очиқ.
Ўйнамадим кулмадим,
Кетарман кўзим очиқ.
Ёр, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Самовар қўйсанг кирга қўй,
Ўроқ ўрган жойларга.
Юраккинам яхласин,
Сен дамлаган чойларга.
Ёр, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Эшик олди сим қўра,
Қизларжон рўмол ўра.
Ўйинларга кеч қолсанг,
Аввал ёрингдан сўра.
Ёр, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.

* * *

*Қибрайлик Аноржон Обидовадан ёзиб олинди.*

Рўмолим толим, толим-о,
Зар кокилман, ёрим.
Зар кокилдан айрилиб,
Ўлмаган менинг жоним.
Баланд-баланд қирларда-ё,
Қир пойлаган йигитлар.
Топган молим қизга, деб-о,
Бел бойлаган йигитлар.
Рўмолим учиб кетди-ё,
Дайронинг шамолига.
Бизни ёр ташлаб кетди-ё,
Ўзганинг жамолига.
Ой ботар-о, ой ботар,
Янгам айвонда ётар.
Янгам берган хонатлас
Кийсам ёнимга ботар.

* * *

*Қибрайлик Аноржон Обидовадан ёзиб олинди.*

Ўсма экилмасмиди?
Таги чопилмасмиди?
Шўринг қурсин қиз бола,
Тенгинг топилмасмиди?
Дасташгул, пояшгул,
Онанг айлансин.
Охур тўла оқ сомон,
Тўкилгани кўп ёмон.
Тенги тушим ичида,
Оғамнинг йўғи ёмон.
Дасташгул, пояшгул,
Онанг айлансин.
Рўмолимнинг учида,
Чуғурчуқнинг пати бор.



Чўнтагимни қараманг,
Севган ёрим хати бор.
Дасташгул, пояшгул,
Онанг айлансин.

* * *

*Қибрайлик Мавжуда Эргашевадан ёзиб олинди.*

Гуллар билан ўйнайсан,
Гул тутганим билмайсан.
Саломлар ёздим сенга,
Мен кутганим билмайсан.
Атлас кўйлак ярашар,
Қоматимга, бўйимга.
Қўшиқ айтиб борамиз,
Икки ёшнинг тўйига.
Адрас кўйлак ярашар,
Кийганимда эгнимга.
Куйиб, ёниб юраман,
Юрганингда йўлингда.
Атлас кўйлак енги тор,
Уришади бизни ёр.
Уришса ҳам майлига,
Эсон-омон юрсин ёр.

* * *

*Қибрайлик Мавжуда Эргашевадан ёзиб олинди.*

Атлас кўйлак енгини,
Қирқиб ташланг кенгини.
Бориб айтинг ўшанга,
Топиб олсин тенгини.
Кўкала майдон хонимсан-о,
Танамдаги жонимсан.
Ёрим кетди Сижжакка,
Менга тилло гажакка.
Гажаклари кўримсиз,

Мен ёримга кўнгилсиз.
Кўкала майдон хонимсан-о,
Танамдаги жонимсан.
Алати-ё, алати,
Сочим товуснинг пати.
Сиз қаёқнинг фарзанди,
Лабзи ширин шарбати.
Кўкала майдон хонимсан-о,
Танамдаги жонимсан.

* * *

*Бўкалик Маҳбуба Асомовадан*
*ёзиб олинди.*

Қора қош, қайрилма қош,
Қошингда бир йил қишласам.
Олмаю анор бўлиб,
Ёнингда бирга ишласам.
Ҳо-ҳо, хоним ялалла-ё,
Ҳо-ҳо, бегим ялалла.
Кел бўйингдан, демаса,
Сира бормасман.
Гул каби очилганман,
Йўлда хормасман.
Ҳо-ҳо, хоним ялалла-ё,
Ҳо-ҳо, бегим ялалла.
Гулмидим очилгани,
Ғунчамидим қайрилгани.
Бевафо ёр менмидим,
Билмай туриб айрилгани,
Ҳо-ҳо, хоним ялалла-ё,
Ҳо-ҳо, бегим ялалла.

* * *

*Бўкалик Шогул Чўллиевадан*
*ёзиб олинди.*

Ман сани ёрим, дедим,
Орқангда ёринг бор экан.



Икки руҳи қип-қизил,
Лабида нори бор экан.
Дарёнинг нарёғида бир тўп ғўза,
Ғўзанинг ёнида тилла кўза.
Кўзани кўтармоққа билак керак,
Ёр билан гаплашмоққа юрак керак.
Кўчадан ўтма, қайтма йўл соласан,
Боғдаги қизил гулга қўл соласан.
Боғдаги қизил гулнинг эгаси бор,
Сендайин бевафонинг нимаси бор?

* * *

*Бўкалик Руқия Эргашевадан*
*ёзиб олинди.*

Кўккина каптар қўнади мўрига,
Ҳеч назар солманг бировнинг ёрига.
Кўп назар солсанг бировнинг ёрига,
Осиларсан сочгинангнинг дорига.
Кўккина каптар қўнибди қалъага,
Бой йигит ошиқ бўлибди лолага.
Бориб айтинг бой билан бойваччага,
Умрини ўтказмасин беҳудага.

* * *

*Бўкалик Руқия Эргашевадан*
*ёзиб олинди.*

Маккайини эксалар, поя бўлар,
Оқ рўмолинг бошингга соя бўлар.
Бу санинг узун бўлиб ўсган сочинг,
Қайси номарднинг қўлида зое бўлар?
Найлайин-о, найлайин-о, найлайин,
Тулпор миниб товушқонлар овлайин.
Қўлгинамни ханжар кесди, чиқди қон,
Рўмолингни бер қўлимни бойлайин.

* * *

*Ғазалкентлик Ҳакима Абдураҳмоновадан ёзиб олинди.*

Чилдирмани қарс урган,
Оқ билагингдан, айланай.
Бахтим бутун бўлсин деган,
Тилагингдан айланай.
Чилдирмани қасқони,
Банди борми осгани.
Ўйнасанг, ўйнаб кулгин,
Ёринг борми тўсгани?
Чилдирма чала-чала,
Чорвоғимдан айрилдим.
Айни ўйнар пайтимда,
Ўз ёримдан айрилдим.

* * *

*Ғазалкентлик Лазокат Нуримовадан ёзиб олинди.*

Қизлар келади яшнаб,
Зар кокилини ташлаб.
Хипча белини ушлаб,
Шакар лабини тишлаб.
Топила, топила, топилажон,
Босманг жамолагимни.
Ох, бўй жўражон,
Ушламанг зар кокилимни.
Атлас кўйлагим янги,
Менинг юрагим кенгги.
Дунёни гир айланиб,
Топмадим ўзим тенги.
Топила, топила, топилажон,
Босманг жамолагимни.
Оҳ, бўй жўражон,
Ушламанг зар кокилимни.
Боққа кирсам боқади,
Қушлар қанот қоқади.



Бевафо ёрни кўринг,
Юракка ўт ёқади.
Топила, топила, топилажон,
Босманг жамолагимни.
Ох, бўй жўражон,
Ушламанг зар кокилимни.

* * *

*Ғазалкентлик Лазокат Нуримовадан ёзиб олинди.*

Қизил гул тагида ширчой,
Ичиб хуморалар бўлдим.
Сани ойдек жамолингни,
Кўришга интизор бўлдим.
Бўйингдан ўргулай гулим,
Қўлингга сув қуяй доим.
Қўлингга сув қуёлмасам,
Парвонанг бўлай доим.
Қизил гулим қизингдирман,
Ёқангнинг қундузидирман.
Мани кўп қийнама жоним,
Бировнинг азизидирман.
Бўйингдан ўргулай гулим,
Қўлингга сув қуяй доим.
Қўлингга сув қуёлмасам,
Парвонанг бўлай доим.

* * *

*Чирчиқлик Юлдузхон Усматовадан ёзиб олинди.*

Ўрама оқни, ўрама оқни, ўрама,
Ошиқлик дардини мендан сўрама.
Ошиқлик дардини мендан сўрасанг,
Ўзимдан бошқага сира қарама.
Эшигингга супа солай чим билан,
Сен кетарсан, мен қоларман ким билан?
Сен кетарсан йўлда йўлдошинг билан,

Мен қоларман кўзда кўз ёшим билан.
Жўхори экдим кунжут билан аралаш,
Бир ёр тутдим ўрта бўйли, қаламқош.
Қора, қора, дейвурманглар ёримни,
Қора мунчоқ билан кишмиш аралаш.
Эшигингдан мен ўтарман ой бўлиб,
Оёғингга ёпишарман лой бўлиб.
Оёғингга ёпишганда лой бўлиб,
Бир кунгина меҳмон бўлгин бой бўлиб.

* * *

*Ғазалкентлик Жумагул Шораҳмедовадан ёзиб олинди.*

Ёрим кетаман, дейди,
Кетказгани қўймайман.
Йўлларига чим босиб,
Ўтказгани қўймайман.
Вой, жонай соғиниб келганман-о,
Соғиниб келганман.
Томга сепсам пиёзни,
Ўсаман, дейди.
Ёрга бино қўйсам мен,
Кетаман, дейди.
Вой, жонай соғиниб келганман-о,
Соғиниб келганман.
Кетма ёрим, кетма,
Жонон бўлойин.
Тилларимнинг учида,
Новвот беройин.
Вой, жонай соғиниб келганман-о,
Соғиниб келганман.

* * *

*Ғазалкентлик Лазокат Нуримовадан ёзиб олинди.*

Сув бўйида ўтириб-о,
Сувни лойлатманг ёрим.



Чор тарафдан ёр тутиб-о,
Мени йиғлатманг ёрим.
Оқ отингни мақтайсан,
Кўк отингга етмайди.
Ҳар кимники ўзига,
Бизди ёрга етмайди.
Булбул сайрайди боғда,
Мен севган ёрим қайда.
Мен ёримни соғинсам,
Куйиб ёнаман доғда.

* * *

*Қибрайлик Анoржон Обидовадан ёзиб олинди.*

Чойни қўйсанг қирга қўй,
Дами билан қайнасин.
Қизни берсанг ёшга бер,
Бамайлихотир ўйнасин.
Ариқ бўйи музлама,
Қўй гўштини тузлама.
Ўз ёринг уйда туриб,
Бегонани кўзлама.
Айвон тагида уч ўрдак,
Уччаласи ҳам бирдак.
Бизнинг Бўстон қизлари,
Очилган қизил гулдак.

* * *

*Ғазалкентлик Тилла ая Ориповадан ёзиб олинди.*

Чарх йигирдим айвонда, бек ака,
Кўзингиз биз томонда, бек ака.
Катта-кичик олдида, бек ака,
Бизга бўлманг пайвонда, бек ака.
Чархим чархчида қолди, бек ака,
Дугим дукчида қолди, бек ака.
Менинг севган ёримнинг, бек ака,

Ишқи ўкчамда қолди, бек ака.
Томни тешиб йўл қилдим, бек ака,
Бахмал олиб тўн қилдим, бек ака.
Бир енгини тор қилдим, бек ака,
Бир кўришга зор қилдим, бек ака.

* * *

*Ғазалкентлик Тилла ая Ориповадан ёзиб олинди.*

Гулим бор-а, гулим бор,
Гул байра кўйлагим бор.
Йиртилса садақа-я,
Мени севган ёрим бор.
Оға дошгинам-о, кўнгли бўшгинам,
Қариндошгинам-о, қалам қошгинам.
Ўйина гулим ўйнагин,
Ёрим бекорми бекор.
Ўзи йироққа кетса-ё,
Гули баргини тўкар.
Оға дошгинам-о, кўнгли бўшгинам,
Қариндошгинам-о, қалам қошгинам.

* * *

*Ғазалкентлик Тилла ая Ориповадан ёзиб олинди.*

Кўнглим олган яхши ёр,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Бўйларизга бўй тумор,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Эшигиздан ўтарман,
Олма шохин тутарман.
Ҳовлисидан чиқмасалар,
Нола қилиб кетарман.
Ёрни боғи бор экан,
Боғда анори бор экан.
Ёлғиз, деб кўнгил қўйсам,
Бўлак ёри бор экан.



* * *

*Ғазалкентлик Тилла ая Ориповадан ёзиб олинди.*

Ҳой, қизгина формали,
Қоши, кўзи сурмали.
Деразадан қараган,
Сочини майда тараган.
Ёринг бўлса, шўх бўлса,
Юрса, кўчалар тўлса.
Дўстлар кўрса, суюнса-ё,
Душманларинг йўқ бўлса.
Тутга чиқсам, тўкилди-ё,
Шоҳи кўйлак сўкилди.
Рўмолимдан ушламанг,
Новвотларим тўкилди.
Шоҳи кўйлак товланган-о,
Ёрим йўли бойланган.
Дардини билай десам,
Юрак бағри доғланган.

* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Бирингда кўрдим бир йигит,
Далага экади чигит.
Чигитни чопади йигит,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Иккингда кўрдим гул тутай,
То ўлгунча сени кутай.
Номинг ўқиб хатга битай,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Учингни кўрдим уч ёшда,
Ғижим рўмолларинг бошда.
Ўтиришингиз бир ёнбошда,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Тўртингда кўрдим тўтигул,
Қафасда сайрайди булбул.

Мен очилмаган тоза гул,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Олтингда кўрдим ол ошиқ,
Қўлингда тилла қошиқ.
Менам сизга жуда ошиқ,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Еттингда кўрдим етмадим,
Билаккинангдан тутмадим.
Арзи ҳолимни этмадим,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Саккизингда кўрдим саҳарда,
Гул очилади баҳорда.
Булбул сайрайди наҳорда,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Тўққизингда кўрдим тўлғониб,
Сочинг белингда чўлғониб.
Ёрим келоллар уйғониб,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Ўнингда ўлдирма мени,
Ишқингда куйдирма мени.
Элга билдирма мени,
Ё мен борай, ё сиз келинг.
Ўн бирда бордир ёшингиз,
Қирғич қаламдай қошингиз.
Қандоқ чидайди дошингиз,
Ё мен борай, ё сиз келинг.

* * *

*Қамашилик Қизларбас Равшановадан ёзиб олинди.*

Бирингда кўрдим бир пари,
Кокилларингдир ҳайдари,
Сендек қизларнинг харидори,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Иккингда кўрдим эгилиб,
Ойдай жамолинг кўргулик,



Ҳар кўрганда бир суйгулик,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Учингда кўрдим учмадим,
Хипча белингдан қучмадим,
Даврон суриб чой ичмадим,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Тўртингда кўрдим тўти-ё,
Ошиқ бўлдим куя-куя,
Ўтдим сени суя-суя,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Бешингда кўрдим белгили,
Шаккар лабингдан суйгули,
Ҳар кўрганда бир куйгулик,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Олтингда кўрдим оҳ уриб,
Бердинг коса мой тўлдириб,
Яшолмадим даврон суриб,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Етти дедим оҳ, етмадим,
Қаддинг кўзимдан кетмади,
Ҳусну жамолинг етмади,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Саккизингни кўрдим саҳарда,
Гуллар очилар баҳорда,
Бир келдинг-о, наҳорда,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.
Тўққизингда кўрдим тўлғониб,
Сочинг белингда чўлғониб,
Ёр келадиё уйғониб,
Ёр, мунча зор этдинг мени,
Кимларга хор этдинг мени.

* * *

*Учкўприклик Турсуной Тўхтасиновадан ёзиб олинди.*

Сочгинам узунлиги,
Сочпопугим йўқлиги.
Қош-кўзим қаролиги,
Акангизнинг йўқлиги.
Дўст, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Дарёга беҳи отсам,
Қалқийди-ё, чўкмайди.
Ёшлик ўтлари қурсин,
Ёнади-ё, ўчмайди.
Дўст, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Боғим тўла теракзор,
Мени қилманг хору зор.
Мени қилсангиз хору зор,
Сизни қилай интизор.
Дўст, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Ака ўргатдинг мени,
Нокка ўргатдинг мени.
Ҳар замон ҳолим сўраб,
Ёмон ўргатдинг мени.
Дўст, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.
Қашқар балдоқ тақаман,
Феруза кўзи бўлса.
Мен сизни ака қилай,
Юрагиз тоза бўлса.
Дўст, менга ишонманг,
Ишонганиздан қолманг.



* * *

*Ғиждувонлик Зулфия Раҳматовадан ёзиб олинди.*

Томда турғонинг бўлай,
Ўзим кўрғонинг бўлай.
Сен яшагин, мен ўлай,
Рўмолчангга гул бўлай.
Ғунча-ғунча хандонимсан,
Сен менинг ширин жонимсан.
Ҳовлингда бор ҳар толлар,
Шохаларида маржонлар.
Мунча ширин гул юзинг,
Ҳайрон қолар кўрганлар.
Ғунча-ғунча хандонимсан,
Сен менинг ширин жонимсан.
Том бошида турган қиз,
Бўйни тўла маржон қиз.
Маржонини йўқотиб,
Йиғлаб-сиқтаб юрган қиз.
Ғунча-ғунча хандонимсан,
Сен менинг ширин жонимсан.
Ҳовлимизда олича,
Териб олинг борича.
Дард кўрмасин қоматинг,
Юз йил яша гул, ғунча.
Ғунча-ғунча хандонимсан,
Сен менинг ширин жонимсан.

* * *

*Ғиждувонлик Зулфия Раҳматовадан ёзиб олинди.*

Айлана кўча кўрдим бўйингни,
Эсимдан чиқардим ранги-рўйингни.
Бирин ташлаб, бирин бошлаб юрасан,
Ака, ташласанг-чи, бундай феълингни.
Келишингни патинкангдан танийман,
Қадамингни беш минг червон санайсан.
Ёзган хатларимга жавоб бермасанг,

Кеча-кундуз сени қарғаб йиғлайман.
Қоши қаро нега келдинг қошимга?
Ошиғлик савдосин солиб бошимга.
Ошиғлик савдоси ёмон бўлади,
Етолмаса армон билан кетади.
Кўйлагимнинг икки енги тор экан,
Бўйингга муносиб яхши ёр экан.
Ихлос билан орқасидан қарасам,
Қўшниларнинг айтганича бор экан.

* * *

*Қамашилик Махфират Худойқуловадан ёзиб олинди.*

Нозбой гулдай дардинг йўқ,
Дугонажон айланай.
Бўз йигитдан ёринг йўқ,
Дугонажон айланай.
Лайлак учиб боради,
Дугонажон айланай.
Ёрдан сен хабаринг йўқ,
Дугонажон айланай.
Нозбой гулнинг равшани,
Дугонажон айланай.
Чақириб беринг ўшани,
Дугонажон айланай.
Чақирганда келмаса,
Дугонажон айланай.
Худо олсин ўшани,
Дугонажон айланай.
Келсин қорача ёрим,
Дугонажон айланай.
Келсин бойвачча ёрим,
Дугонажон айланай.
Чақирсаму келмаса,
Дугонажон айланай.
Поезд йўли мўлжалим,
Дугонажон айланай.



* * *

*Хивалик Нодирахон Боғбековадан ёзиб олинди.*

Воҳай, санинг зорингман-ай,
Бошингдаги парингман-ай.
Икки кўнгил бир бўлса-я,
Сира қўрқма ёрингман-ай.
Олмани тут, олмани тут,
Олма оқиб гетмасин-ай.
Бошингдаги парингни,
Бошқа дақиб гетмасин-ай.
Эгнингда дўнинг қатма-қат,
Бирини гий, бирини сот.
Агар кўнглинг манда бўлса,
Дарчадан қизил олма от.
Олмани тут, олмани тут,
Олма оқиб гетмасин-ай.
Олмани тут, олмани тут,
Ёр қайрилиб гетмасин.
Шу қизларнинг соқоқиннан,
Қоши билан қопақиннан.
Шу қиз агар ёда тушса,
Нонла ўтмас домоқимнан.
Олмани тут, олмани тут,
Олма оқиб гетмасин-ай.
Олмани тут, олмани тут,
Ёр қайрилиб гетмасин.
Тошкан эли оввозали,
Қирқ ериннан дарвозали.
Холпани созини эшит,
Хива қизлари мазали.
Олмани тут, олмани тут,
Олма оқиб гетмасин-ай.
Олмани тут, олмани тут,
Ёр қайрилиб гетмасин.

* * *

*Хивалик Шириной Жуманиёзова, Роҳатой Авезовалардан ёзиб олинди.*

Оқ олма, қизил олма,
Олмаға назар солма.
Опам санга бармийди,
Кўнглинга малол олма.
Ҳовуз бўйи лой акан,
Босмасам бўлар акан.
Нодон бола ёш акан,
Айтмасам бўлар акан.
Вой, дадим изингнан,
Ўлдим санинг нозингнан.
Халпа опанг айлансин,
Санинг қора гўззингнан.
Боғингизда бор бодом,
Бизлар қаландар одам.
Бизни қаландар атган,
Хивамизда бир одам.

* * *

*Хивалик Шириной Жуманиёзова, Роҳатой Авезовалардан ёзиб олинди.*

Уч патир ёпдим зирали,
Бири-бириннан ширали.
Галинг, боға гирали,
Қизил гуллар терали.
Ахтариб сани ҳайронман,
Бўйларинга қурбонман.
Боғни эшиги очиқ,
Оҳиста қадам босиб.
Қорақошгина оғам,
Фақат манга муносиб.
Ахтариб сани ҳайронман,
Бўйларинга қурбонман.



* * *

*Хивалик Шириной Жуманиёзова, Роҳатой Авезовалардан ёзиб олинди.*

Кўнглимни барибман ёш болаға,
Зор атиб мани у галмас бир калъаға,
Нишатин-а, гириб қолдим ораға,
Қаранглар-а, қопида дурған ўхшийди,
Чиқингла кўчага, галган ўхшийди.
Манинг бирлан олма еса акан,
Ҳеч бўлмаса икки гунда галса акан,
Худой таоло бир умрга барса акан,
Қаранглар-а, қопида дурған ўхшийди,
Чиқингла кўчага, галган ўхшийди.
Гўззимда гўзлари чиққандир йўла,
Бечора айлади, тушмайин қўла,
Ўзи ўн бешинда ёшгина бола,
Қаранглар, қопида дурған ўхшийди,
Чиқингла кўчага, галган ўхшийди.
Шу йигит баланд-а, алим етмийди,
Отаси яхшиям шундин ўтмийди,
Изаллаб борганда ишинг битмийди,
Қаранглар, қопида галган ўхшийди,
Чиқингла кўчага, галган ўхшийди.
Кўнглингиздан ўтмам билмаганлар-ай,
Беш гунда, уч гунда галмаганлар-ай,
Ҳолинг на, даб хабар олмаганлар-ай,
Қаранглар, қопида галган ўхшийди,
Чиқингла кўчага, галган ўхшийди.

* * *

*Хивалик Нодира Богбековадан ёзиб олинди.*

Муборақлар бўлғай атган тўйингиз,
Зўр патикли, кўшки айвон жойингиз.
Мудом иззатда ўтгай умрингиз,
Бошлаған тўйингиз муборак бўлғай.
Сира кўнглингизда қолмағай армон,

Жонингиз соғ бўлиб сургайсиз даврон,
Ҳаммага ёр бўлғай бу Шоймардон,
Бошлаған тўйингиз муборак бўлғай.
Камис кўнгилларни Олло битиргай,
Ҳаммангизни яхши гуна етиргай.
Олтин сирға қўша галин гатиргай,
Бошлаған тўйингиз муборак бўлғай.
Галинни қарасам оқлардан ҳам оқ,
Уйина қарасам равоқдан равоқ.
Ҳаммага ёр бўлсин пирлару Оллох,
Бошлаған тўйингиз муборак бўлғай.
Тўй эгаси мудом кўнгли худода,
Худодан ўзгани олмийди ёда.
Мартабасин Олло аттай зиёда,
Бошлаған тўйингиз муборак бўлғай.
Рисқингиз Яратган дўккай беомон,
Ҳукмина боради бу жумла-жаҳон.
Ҳаммага ёр бўлғай ҳазрати Полвон,
Бошлаған тўйингиз муборак бўлғай.

* * *

*Хивалик Нодира Боғбековадан ёзиб олинди.*

Гечалар сўрадим, тушдинг қўлима,
Ёздир отахоним, деймаи алингни.
Ҳеч хапалиқ галмин асло кўнглима,
Ёздир отахоним, деймаи алингни.
Сизни ёрим атадим ичимнан,
Қиё боқмоқ ўрганибди лочиннан.
Бир мақсади бордир кўнглин ичиннан,
Ёздир отахоним, деймаи алингни.
Суқсур ёр айтадир: «Арзим бордир,
Ёнинда солланиб юрасим бордир.
Асилжон парининг ёқаси дордир».
Ёздир отахоним, деймаи алингни.
Туман билан Олатовни ҳар натин,
Шамол билан қорларини аритин.
Деймаи: заргар қўлларидан ўргилин,



Ёздир отахоним, деймаи алингни.
Ёр галётир узун-узун йўл билан,
Хизматима чўри билан, қул билан.
Қўлларида қизил, сариқ гул билан,
Ёздир отахоним, деймаи алингни.

* * *

*Чирчиқлик Нурхон Абдухолиқовадан ёзиб олинди.*

Ойи, ойи, уйга меҳмон келибди,
Қадам босмас қадрдонлар келибди.
Сотсангиз айтинг менинг баҳомни,
Умид билан харидорим келибди.
Дарёга ташладим мен қайиғимни,
Ака, айтманг менинг қай жойлигимни.
Гар айтсангиз мени қай жойлигимни,
Жавоб беринг топай ўз қайиғимни.
Том бошида тараша-яй, тараша,
Бўйинг менга яраша-яй, яраша.
Бермайман, деб турсангиз отажон,
Бўлсин эрта бир кун томоша-яй, томоша.

* * *

*Қамашилик Абдусаттор Муҳаммадиевдан ёзиб олинди.*

Монг-монг босиб, монг босиб[1]
Икки оёғин тенг босиб.
Моячадай[2] онгишлаб[3],
Ҳарвонадай[4] енг тишлаб,
Қоғоздай лабини тишлаб,
Қилдай белини ушлаб,
Қирқ жўраси пўш-пўшлаб,

[1] Монг босиб — қаттиқ-қаттиқ юриб.
[2] Мояча — туянинг боласи.
[3] Онгишлаб — пайт пойлаб.
[4] Ҳарвонадай — юк ташийдиган туя.

Турли гуллардан осиб,
Осган гули муносиб,
Босган изи гул сасиб[1],
Босган жерлар милладар[2],
Босмаган жер гинадар,
Босган жери ҳафтагача умидвор.
Қирқин қизлар хурдай бўлиб,
Бўйи тенги бирдай бўлиб.
Ҳайкалчани мунчоқлаб,
Рўмолини чочоқлаб,
Аста чиқди кўшкига,
Бахмал кўрпа ташлади,
Энди тўйини бошлади,
Куёв кўнглини хушлади.
Ё олло, деб икки ёш,
Бир-бирин қўлин ушлади.

* * *

*Булунғурлик Ашур бува Йўлдош ўғлидан ёзиб олинди.*

Бешқарсагим бешқарсак,
Ўйинчига эш қарсак.
Ўйнасанг ҳам қўймайман,
Ўйнамасанг ҳам қўймайман.
Ҳо-ҳо, ҳо-ҳо…
Бешқарсакнинг ўрни бор,
Ҳар кимни қилар хумор.
Ўзин четга оғанди,
Жоқтирмайди у зинҳор.
Ҳо-ҳо, ҳо-ҳо…
Ҳо-ҳо, чиқ,
Ҳо-ҳо, чиқ.
Ҳо-ҳо, чиғағай,
Ҳо-ҳо, келағай.
Ҳо-ҳо, менга боқ,
Ҳо-ҳо, қошинг қоқ.

[1] Гул сасиб — гул ҳиди анқиган.
[2] Милладар — миннатдор.



Қошинг қоғағай,
Менга боғағай.
Ҳо-ҳо, бурров,
Сочи узун ёррон.
Оқ каптаринг пириллар,
Баданганант дириллар.
Ҳо-ҳо, ҳо-ҳо,
Ҳо-ҳо, турағай.
Ҳо-ҳо, ҳо-ҳо,
Орқаганамдан юрағай.
Ҳо-ҳо, ҳо-ҳо…

* * *

*Қамашилик Қизларбас Равшанова ва Абдусаттор Муҳаммадиевдан ёзиб олинди.*

Қайнсингил:
Кўктубадан чанг чиқди,
У нимадир, чечажон?
Икки отлиқ бир чиқди,
Улар кимдир, чечажон?
Якка отлиқ ортида,
Буниси кимдир, чечажон?

Чеча:
Кўктубадан чанг чиққан,
Овчилардир, эна қиз.
Икки отлиқ бир чиққан,
Жовчилардир, эна қиз.
Якка отлиқ ортида,
Куёвингиз, эна қиз.

Қайнсингил:
Отлилар келди ов бўлсин,
Шу гапингиз чин бўлсин.
Овзингизга мой бўлсин.
Олтин сирға қулоққа,
Илдингиз-а, чечажон.
Менинг учун келганин,
Билдингиз-а, чечажон.

Кўгандаги қўзилар,
Қўйлар бўлсин, чечажон.
Менга ўхшаган қизлар,
Тўйлар бўлсин, чечажон.
Борадиган жойимиз,
Обод бўлсин, чечажон.
Жеганимиз тортилган,
Новвот бўлсин, чечажон.

Чеча:
Куёв келди шайланиб,
Белига белқарс бойланиб.
Куёв келди, қаранг-а,
Катта-катта қадам билан,
Нимча ўрик, бир нон билан.

Қайнсингил:
Чеча бундай дедингиз,
Нимча ўрик қайтмайма?
Уйда ўтирган бўй қизлар,
Ширaворга ботмайма?
Шираворди тўйиб еса,
Келин сўнгра кетмайма?
Қотган ўрик, дедингиз
Менинг кўнглим қолдилар.
Олло мени жеталаб,
Ойрила жерга солдилар.
Товдан турган тонгшамол,
Қора зулфим ечдилар.
Олло мени сабаб бўп,
Якка отлига қўшдилар.

* * *

*Қамашилик Қизларбас Равшановадан ёзиб олинди.*

Қиз:
Ҳалгинчагим арчадан,
Кийган тўним парчадан.
Бизга совчи келибди,
Тил билмаган ғалчадан.



Дугона:
Ҳалгинчагинг арчадан,
Кийган тўнинг парчадан.
Наҳот совчи келибди,
Тил билмаган ғалчадан.

Қиз:
Энам берган пешматни,
Кияйинма дугона?
Ғалча куёв демасдан,
Тияйинма, дугона?

Дугона:
Энанг берган пешматни,
Киявергин, дугона.
Ғалча куёв демасдан,
Тиявергин, дугона.

* * *

*Тошкентлик Матлуба Раҳмонова ва Мухтабар Обидовалардан ёзиб олинди.*

Қиз:
Айланаман, айланаман,
Айланаман дейди.
Қайси боғни гулисиз,
Мен билмайман, дейди.
Дейди-ё, дейди-ё, яна нима дейди-ё,
Қайси боғни гулисиз,
Мен билмайман, дейди.

Дугона:
Қизни қизил гул дейди,
Йигитни булбул дейди.
Қадрига етмасалар,
Экма қизил гул дейди.
Дейди-ё, дейди-ё, яна нима дейди-ё,
Қадрига етмасалар,
Экма қизил гул дейди.

Қиз:
Ёринг бўламан, дейди,
Боринг бўламан, дейди.
Йўлларингга кўз тиккан,
Зоринг бўламан, дейди.
Дейди-ё, дейди-ё, яна нима дейди-ё,
Йўлларингга кўз тиккан,
Зоринг бўламан, дейди.

Дугона:
Мен кўрганда кичкина,
Қизча эдинг, дейди.
Ўзинг ака демасанг,
Танимайман дейди.
Дейди-ё, дейди-ё, яна нима дейди-ё,
Ўзинг ака демасанг,
Танимайман, дейди.

* * *

*Тошкентлик Ҳалима Расулова, Манзура Иброҳимовалардан ёзиб олинди.*

Келин:
Вояй, додай,
Атлас кўйлак кийибсиз,
Этагини қийибсиз.

Дугона:
Вояй, додай,
Уйда хўжайин қолиб,
Кимлар билан юрибсиз.

Келин:
Вояй, додай,
Атлас кўйлак киймайман,
Этагини лой қилиб.

Дугона:
Вояй, додай,



Дангасага тегмайман,
Юрагимни қон қилиб.

Келин:
Вояй, додай,
Эрга тегсанг бойга тег,
Атлас кўйлак киясиз.

Дугона:
Вояй, додай,
Хотини билиб қолса,
Калтакларга ўласиз.

* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Йигит:
Даданг менга берармикин, туя берсам, дейди,
Топганимни олдига уя берсам, дейди.
Дадангни мен қулимас, ули бўлсам, дейди
Ёмон-ёмон феълимни қўя берсам, дейди.

Қиз:
Дадамди оқ уйи бор, минг қўйи бор, дейди,
Дадам сенга бермайди, не зўринг бор, дейди.
Ким сенга ваъда берди тегаман деб, дейди
Ўзим сени хоҳламайман, совчи қўйма, дейди.

Йигит:
Ош пиширдим янтоқ ўтин термасига, дейди,
Ошиқ бўлдим кошу кўзинг кермасига, дейди.
Ошиқ бўлсам кошу кўзинг кермасига, дейди,
Қўяманми дадангни бермасига, дейди.

Қиз:
Баланд тоғни бошида кийик ётур, дейди,
Тўрт оёғин бир жойга босиб ётур, дейди.
Сиздай-сиздай йигитни кўп кўрганман, дейди
Болаларин боқолмай изғиб ётур, дейди.

## ЧОЙ БАЙТЛАРИ

*Шаҳрихонлик Ҳамрохон Тилаболдиохун қизидан ёзиб олинди.*

Келин қайнонага:

Чим-чим этдим, чим билан,
Кавоб этдим туз билан,
Эси-ёдим сиз билан,
Сиз юрасиз бувижон, ким билан?

Қайнона келинга:

Анови токчада лотинча,
Манави токчада лотинча.
Хотиржам бўлинг, болам,
Сиз ҳаммадан отинча.

Келин овсинга:

Уйингизнинг томида ҳилол кўрдим,
Эрта туриб уйқунгизга халал бердим.
Кўнглингизни бир умрга тўқ тутинг, деб,
Овсинжоним, чой ўрнига асал бердим.

Овсин жавоби:

Феруза кўзли овсиним,
Ширин сўзли овсиним.
Охиригача дўст бўлиб,
Яшайверайлик овсиним.

Келин куёвга:

Юқорига чиқиб ойни кўрдим чарху фалакда,
Пастга тушиб сизни ўпдим баркут тўшакда.
Хоҳ билинг, хоҳ билманг хушторман сизга,
Хушторликда ўлиб кетсам уволим сизга[1].

---

[1] Бу чой байтлари 1989 йили тўпловчи томонидан шаҳрихонлик Ҳамрохон Тилаболдиохун қизидан ёзиб олинган. Афсуски, Ҳамрохон ая куёв жавобини хотирлай олмадилар.



* * *

*Учкўприклик Сорахон Охуновадан ёзиб олинди.*

Келин:

Чин чой, чинакам чой,
Чиначоқда турган чой.
Самарқанддан келган чой,
Мулла ака сизга чой.

Куёв:

Санам деган ёш бўлмаса,
Ўзи қаламқош бўлмаса.
Бир пиёла чой бермаса,
Моҳитабон даркор эмас.

Келин:

Санамлариз кўпдир, мендек куйган йўқ,
Қизил гулни чаккасига таққан йўқ.
Ҳеч ким мендек сизга бино қўйган йўқ,
Ёр ўргулай, паҳлавондек келбатиздан.

Куёв:

Санам кўпдир, сиздек пари-пайкар йўқ,
Сўзи кўпдир, лекин асал, шаккар йўқ.
Чой бердингиз пахта гулли пиёлада,
Сизсиз менга, шомни қўйинг, саҳар йўқ.

* * *

*Учкўприклик Сорахон Мамажоновадан ёзиб олинди.*

Келин:

Устиздаги чопонингиз ечмасалар, майлига,
Кўнгил учун муздай сувда кечмасалар,
майлига.

Чойингизга Қўқоннинг асалидан
солдим мен,
Кўнглингизга қаранг ҳаргиз, ичмасалар,
майлига.

Куёв:

Сой суви гупуриб оқар,
Шаббода танга ёқар.
Чой узатган сулувжонга,
Куёви тилла тақар.

* * *

*Тошкентлик Холида Очиловадан ёзиб олинди.*

Дугонага:

Ўргулай сиздан, чой ичинг,
Ҳеч ким билмасин.
Элакдаги уннинг,
Гарди қолмасин.
Шу чойни ичиб,
Роҳатлар кўринг.
Душманларингиз кетсин,
Бири қолмасин.

Овсинга:

Поезд йўли тор экан,
Занжирлари бор экан.
Чойни ичинг, овсинжон,
Пешонада бор экан.

Сингилга:

Тахмон устида қизил гул,
Бўйи етган олади.
Чойни ичган синглимни,
Кучи етган олади.

## СОҒИМ ҚЎШИҚЛАРИ

## ҚЎЙ СОҒИЛАЁТГАНДА АЙТИЛАДИГАН ҚЎШИҚ

*Қамашилик Абдусаттор Муҳаммадиевдан ёзиб олинди.*

Танга тақдим машаклаб,
Қўйлар совдим қўшоқлаб,
Кодига сути сиймайди,
Туркаб кетайин, десам,
Сутини кўзим қиймайди.
Тўрай, тўрай, тўрай.
Турли гиёҳ жегансан,
Узоқ туриб кегансан,
Сутингни бер жонивор,
Катта қозон осайин,
Тўрай, тўрай, тўрай.
Сутинг қотиқ бўғон сўнг,
Кувиларга пиширай,
Нуғола[1] мойинг туширай,
Нуғола мойинг тушган сўнг,
Барчага баҳам кўрай.
Мой, деб жиласа бачалар,
Коса-косалаб берай,
Тўрай, тўрай, тўрай.
Тўрай, жоним қўй ювош,
Қўйлар билан келағай,
Менга сутинг берағай,
Қайтиб товға борағай.
Тўрай, тўрай, тўрай.

[1] Нуғола – яхлит.

* * *

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Келағайгин жонивор тўрай, тўрай,
Байбича совғани келди-я, тўрай, тўрай.
Кадини остингга тутди-я, тўрай, тўрай.
Иyaғайғин жонивор тўрай, тўрай,
Жувашгина ҳайбоним-а, тўрай, тўрай.

## ЭЧКИ СОҒИЛАЁТГАНДА АЙТИЛАДИГАН ҚЎШИҚ

*Қамашилик Қизларбас Равшановадан ёзиб олинди.*

Тибирдатма путингни,
Ийиб бергин сутингни.
Болалилар бозорда,
Боласизлар озорда.
Чирий, чирий, чирий.
Сенинг боланг ўлибди,
Кўзинг ёшга тўлибди.
Жона жерда жотганда,
Жонингда ўйнар жон боланг,
Эндиги жил эгиз тув,
Чирий, чирий, чирий.
Мол олдида келағай,
Шу улокди олағай.
Сенга бола бўлама,
Шунда кўнглинг тўлама,
Чирий, чирий, чирий.



## ТУЯ СОҒИЛАЁТГАНДА АЙТИЛАДИГАН ҚЎШИҚ

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Корсон[1]ни сонга қистириб,
Байбича туя совади.
Иссиқ сўзини айтиб,
Туянинг кўнглин товади.
Харров, харров, харров.
Оқ шўрани кўрганда,
Туя баргини узади.
Бўталоғи бўзласа,
Бўйнини аста чўзади.
Харров, харров, харров.
Сутинг келсин шарқираб,
Ийиб бергин, жонивор.
Банди бўйинг сирқираб,
Ийиб бергин, жонивор.
Харров, харров, харров.
Эмчакка сут ияди,
Бўталоғи эмади.
Тиззага қўйиб корсонни,
Байбича туя совади.
Харров, харров, харров.
Товистоннинг чўлидан,
Қизиб келди бандаси.
Бир коса айрон ичиб,
Желкадан тушди жандаси.
Харров, харров, харров.
Оқ чорсини жовиниб-о,
Байбича туя совади.
Жили габини айтиб,
Туянинг кўнглин товади-я.
Харров, харров, харров.

[1] Корсон – ёғочдан ишланган катта товоқ.

## МЕҲНАТ ҚЎШИҚЛАРИ

*Қамашилик Эштемир Донийровдан ёзиб олинди.*

Омоч билан ер ҳайдаб,
Далага буғдой экдим.
Еб кетмасин, деб қушлар,
Бошига чайла тикдим.
Ўсиб-ўсиб майсалар,
Бош чиқариб дон олсин.
Кўнгли тўлиб ҳосилдан,
Деҳқон буванг дам олсин.
Бошоқларинг ирғалиб,
Шамолларда чайқалсин.
Хирмонингни кўрганда-ё,
Душманларим анқайсин.
Тегирмонда тортилиб,
Супрада ун уйилсин.
Макка дони яхшилаб,
Ёрғичоқда туйилсин.
Янаги йил экай, деб,
Донларингдан оп қўяй.
Ҳам авайлаб, ҳам асраб,
Омборларга соб қўяй.

* * *

*Қамашилик Махфират Худойқуловадан ёзиб олинди*

Ёрғичоқ ялпоққина,
Ун қилар оппоққина.
Ёрғичоқ ғир-ғир этар,
Муштдеккина хамир этар.
Ёрғичоқ тортмас эдим,
Оч қолганимдан тортаман.
Сабзавон айтмас эдим,
Куйганларимдан айтаман.
Куйганинг куйдирганинг,
Ҳар жойга борсам айтаман.
Сендай бевафо ёр йўқ,
Суймасанг энди қайтаман.

* * *

*Қамашилик Махфират Худойқуловадан ёзиб олинди.*

Ўрмагимни тўқийман,
Кеча-кундуз ўқийман.
Қачон тамом бўлади,
Деб ашула тўқийман.
Ўрмагим ётибди ўралиб,
Мен юрибман керилиб.
Қайнонам қарамайди,
Ўрмагимга қайрилиб.

* * *

*Ғазалкентлик Лазокат Нуримовадан ёзиб олинди.*

Том устига том солдим,
Шафтолидан қоқ солдим.
Ёргинамни жўнатиб,
Юрагимга доғ солдим.
Дока кўйлак кийганман,
Дала, тошда юрганман.
Қўлимга ўроқ олиб,
Арпа, буғдой ўрганман.
Кеча-кундуз далани,
Макон қилиб олганман.
Кетмон чопиб далада,
Жонга азоб солганман.

* * *

*Вобкентлик Ғайбулла Абдуллаевдан ёзиб олинди.*

Донни сепдим кўкарсин,
Ёмғир-ёмғир керак.
Дона-дона кўпайсин,
Ёмғир-ёмғир керак.
Униб чиқсин майсалар,
Ёмғир-ёмғир керак.
Айнисин-ай, ҳаволар,
Ёмғир-ёмғир керак.
Ҳосил бўлса мўл бўлсин,
Ёмғир-ёмғир керак.
Аста-секин бўй чўзсин,
Ёмғир-ёмғир керак.

* * *

*Вобкентлик Ғайбулла Абдуллаевдан ёзиб олинди.*

Ер ҳайдадим қоралаб ҳай ёр, ёр айланай,
Меҳнат қилдим саралаб ҳай ёр, ёр айланай,
Ҳосилимиз мўл бўлсин ҳай ёр, ёр айланай,
Офтоб нурини сочсин ҳай ёр, ёр айланай.
Меҳнаткашнинг бахтига ҳай ёр, ёр айланай,
Офат-бало бўлмасин ҳай ёр, ёр айланай.

* * *

*Ғазалкентлик Лазокат Нуримовадан ёзиб олинди.*

Қиё-қиё юринглар,
Қиёлаб қолсин пояси.
Тукраб-тукраб юринглар,
Қоплаб чиқсин донаси.
Айри туёғинг олмасдур,
Майда қилиб қуймасдур.



Сени боққан бу онанг,
Дангасалигинг суймасдур.
Майда қилсанг шундай қил,
Элаб қуйган ундай қил.
Қизилини қирдай қил,
Сомонини сойдай қил.
Қийғир ётар қиёда,
Болалари буёда.
Дондан айрилди сомон,
Хизматгинанг зиёда.
Қара, сенинг қулоғинг,
Ҳеч кимда йўқ сиёғинг.
Айри сенинг туёғинг,
Ҳеч кимда йўқ сиёғинг.
Сенинг онанг сигирди,
Сувдан бурнин жийирди.
Сени хўпга қўшсин деб,
Бободеҳқон буюрди.

* * *

*Вобкентлик Санокул Жиловодан ёзиб олинди.*

Ҳай, шиқир-шиқир айланади,
Шақир-шуқур айланади.
Бир ҳовуч лойни оламиз,
Чархи гардакка соламиз.
Ҳай, шиқир-шиқир айланади,
Чархи гардак гардуни бор,
Миёнида хат чўпи бор.
Мисли фалак айланади,
Бир кўза тайёр бўлади.
Ҳай, шақир-шуқур айланади,
Кўзамизнинг сири кўпдир,
Қараб кўринг ичи бўшдир.
Мисли тилло жаранглайди,
Олган армонда қолмайди.
Ҳай, шақир-шуқур айланади...

* * *

*Вобкентлик Ғайбулла Абдуллаевдан ёзиб олинди.*

Оловга дам берамиз ҳа-ҳу, дам-бадам,
Темирни қиздирамиз ҳа-ҳу, дам-бадам.
Ўроқ, кетмон тайёрлаб ҳа-ҳу, дам-бадам,
Деҳқонга илинамиз ҳа-ҳу, дам-бадам.
Ҳикматимиз жуда соз ҳа-ҳу, дам-бадам.
Темирни қизганда бос ҳа-ҳу, дам-бадам,
Ҳазрат Довуд ёр бўлсин ҳа-ҳу, дам-бадам,
Коримиз барор бўлсин ҳа-ҳу, дам-бадам.

* * *

*Булунғурлик Ашур бува Йўлдош ўғлидан ёзиб олинди.*

Говмишимиз тўллагидан тўп ясайин,
тўп ясайин,
Шойи жипдан чатиб-чатиб тўр босайин,
тўр босайин.
Ерга урсам тўп-тўп этиб учиб кетсин,
учиб кетсин,
Осмондаги оймомони қучиб кесин,
қучиб кесин.
Тўп тайёр пода тўпга, пода тўпга,
Тўп тайёр пода тўпга, пода тўпга.
Кел, навбатга кел, кел, навбатга кел,
Тол таёқ, толман таёқ,
Эга, эга, эга бошини жеган,
Ҳут қуйруқ, қулоғи жийрик,
Беш эчки боққан, чорвасини боққан,
Ола ўтов тиккан, оқ қўйруқ ошаган,
Минглар яшаган, ҳай…
– Қўрага кирма подачи,
Подангни берроқ ҳайда-чи.
– Ҳайдамайман подамни,
Жўгиртирма одамни,



– Қўрага кирма подачи,
Подангни берироқ ҳайда-чи.
– Эпчил бўлсанг кўрамиз,
Бир қайтариб ҳайда-чи.
– Қўрага кирма подачи,
Подангни берроқ ҳайдачи,
Гир-р-р, ҳай…

## НАВРЎЗ ҚЎШИҚЛАРИ

*Булунғурлик Ашур бува Йўлдош ўғлидан ёзиб олинди.*

Бугун байрам йилбоши,
Сайилга, ҳо, сайилга.
Сайилга, ҳо, сайилга...
Деҳқон дала айланди,
Ҳўкиз шохи мойланди.
Омоч билан ишга туш,
Деҳқон бобо шайланди.
Майса чиқиб ер тинсин,
Деҳқон иши ўнг келсин.
Меҳнат қилиб толмайлик,
Омборлар донга тўлсин.
Бугун байрам йил боши,
Йил бошига эл боши.
Дастурхонни безади,
Паловми ё сут оши?
Қатиқ оши, сут оши,
Қозон тўла сўк оши.
Шавла пишар иликдай,
Кичиридир зўр оши.
Момо қуйинг гўжани,
– Косангни тут, ич қани.
Деҳқон бўлсанг бўш келма,
Кузда сана жўжани.
Жўхоридан гўжа бор,
Қўй гўштили кулча бор.
Товоқ тўла бир ёқда,
Қовурилган жўжа бор.
Момо қуйинг гўжани,
– Косангни тут, ич қани.
Деҳқон бўлсанг бўш келма,



Кузда сана жўжани.
Бугун байрам йил боши,
Сайилга ҳо, сайилга.

* * *

*Онам Ҳадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Жилбоши кепти, билдингизма?
Этта саҳар турдингизма?
Этта саҳар тура солиб,
Қозон-товоқ жувдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Тонг қоронға турдингизма?
Тонг қоронға тура солиб,
Ишни тоза қилдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Қошга ўсма қўйдингизма?
Қошга ўсма қўяятиб,
Жайраганин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Қўлга хина қўйдингизма?
Қўлга хина қўяятиб,
Қизариб кетганин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Буванинг ҳалин сўрдингизма?
Буванинг ҳалини сўраятиб,
Бели бугилганин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Моманинг ҳалин сўрдингизма?
Моманинг ҳалин сўраятиб,
Нурдан қоғанин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Отани бориб кўрдингизма?
Отангизни кўраятиб,
Қариганин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Энангизди кўрдингизма?
Энангизди кўраятиб,

Чарчаганин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Тоғани бориб кўрдингизма?
Тоғани бориб кўраятиб,
Соғинганин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Холанинг ҳалин сўрдингизма?
Холанинг ҳалин сўраятиб,
Кўзи киртайганин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Амманинг ҳалин сўрдингизма?
Амманинг ҳалин сўраятиб,
Интиқлигин билдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Яхшининг ҳалин сўрдингизма?
Яхшининг ҳалин сўраятиб,
Жориғликди кўрдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Ота мозорини кўрдингизма?
Ота мозорин кўраятиб,
Кўнгли вайрон бўлдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Эна мозорин кўрдингизма?
Сўлиган гулларди кўриб,
Ҳайрон-ҳайрон бўлдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Жилбоши кескан жедингизма?
Жилбоши кескан жияятиб,
Шойдала шарт бўлдингизма?

## РАМАЗОН ҚЎШИҚЛАРИ

*Булунгурлик Гулсора Усмон қизидан ёзиб олинди.*

Ассалому алайкум, бизлар келдик
кўргани, кўришгани,
Сассиқ бурун подага ботган бойлар.
Сассиқ бурун подангни киминг ҳайдар?
Этиклари ғирчиллаган улинг ҳайдар.
Ё рамазон.

Бой айтади кўтондан қўй берай деб,
Бойбича айтади бўғчадан тўн берай деб.
Бой берган қўйи кўтонга қочди, кетди,
Бойбича берган тўни шамолга учди, кетди.
Ё рамазон.

Манов уйнинг тубараги чоғроққина,
Ичидаги чечамиз оппоққина.
Чечажон, тезроқ чиқинг, кутиб қолдик,
Оппоқ нонлар опчиқинг, юмшоққина.
Ё рамазон.

Айтинг, айтинг Алишери худога,
Дуруст айтинг Муҳаммад Мустафога.
Маккада бир оғоч бор ғадир-будур,
Худойим ўғил берсин мулла Хидир.
Ё рамазон, майрам азон...

* * *

*Булунгурлик Ашур бува Йўлдош ўғлидан ёзиб олинди.*

Ассалому алайкум, бизлар келдик,
Кўргани кўришгани, салом бердик.

Қўш ариқдан ҳаллаган қўйининг изи,
Қўша белбоғ берса бойининг қизи.
Қўша белбоғ берса, берсин белимизга,
Мақтай-мақтай кетайлик элимизга.
Осмондан ёйилиб тушди малла пута,
Уйингизга дорисин Хизр ота.
Ё рамазон.

Бурчин-бурчин, бурчинбой,
Товда қўйинг яйрасин.
Ёққанинг арча бўлсин,
Кийганинг парча бўлсин.
Ўчоқ тўла кул бўлсин,
Тевараги ул бўлсин.
Худой берган кенг давлат,
Тепкиласа кетмасин.
Ё рамазон.

Манов уйнинг орқасида ой кўрибмиз,
Ҳамма уйдан шу уйни бой кўрибмиз.
Момажон ётасизми хурра-хурра,
Супрангизни итлар тортар тарра-тарра.
Шу уйнинг бўсағаси заранг экан,
Ичидаги чечамиз гаранг экан.
Оқ тангаю, кўк танга,
Тезроқ чиқинг эй янга.
Ё рамазон, майрам азон...

* * *

*Қамашилик Абдусаттор Муҳаммадиевдан ёзиб олинди.*

Рўзанинг учи билан қўй сўйибсиз,
гўши қани?
Гўшини еган бўлсангиз, уча билан
тўши қани?
Уча билан тўшини чиқаринг ҳали-ҳали,
Жигиллар пичоқ олсин туврағани.
Ё рамазон, майрам азон.



Минса минсин пайғамбар, бўз
отининг белига,
Мўмин қуллар тушмасин хеч
золимнинг қўлига.
Мўмин қуллар тушса гар шу
золимнинг қўлига,
Юртга қайтгач қўй сўйиб, тўйлар
берсин элига.
Ё рамазон, майрам азон.

Сўм-сўм тилла, сўм тилла,
Сувга солса ботмасин.
Худой берган кенг давлат,
Тепкиласа кетмасин.
Қўшоғингиз бошига,
От чоптирса жетмасин.
Ё рамазон, майрам азон.

Сурувинг товди жойласин,
Гул михга от бойласин.
Чашма сайлаб сув ичсин,
Парча сайлаб тўн бичсин,
Ирисқингиз мўл бўлсин,
Қозони ойдин кўл бўлсин.
Ё рамазон, майрам азон.

Этакларинг жолпиллаб,
Кўгаламдай кўгарсин.
Ули-қизи боласини,
Орқасидан ияртсин.
Ё рамазон, майрам азон.

## АЙТИМЛАР

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Ҳай, ҳай-а-а-ай,
Ҳой, оталарим, буваларим-ай,
Дони жўққа дон берганай,
Нони жўққа нон берганай,
Гўшнаси жўқ бечорага,
Одамсан, деб сон берганай.
Ҳай, ҳай-а-а-ай,
Ҳай, оталарим, буваларим-ай,
Бўз яктакда, бўз иштонда,
Макка қараб жўл соған-ай.
Толқонини итга бериб,
Кеча-кундуз оч қоғон-ай.
Ҳай, ҳай-а-а-ай,
Ҳай, оталарим, буваларим-ай,
Совит келди, жов келди-я,
Эл бошига дов келди-я.
Жигитларни оллантириб,
Қасос бўлиб гов келди-я.
Ҳай, ҳай-а-а-ай,
Ҳай оталарим, буваларим-ай,
Жўрт бошига ғам тушганда,
Бошқа бойлар хом тушганда.
Эл кўзига нам тушганда,
Гов отам-а сов келди-я.
Ҳай, ҳай-а-а-ай,
Ҳай, оталарим, буваларим-ай,
Яшин ургур, қизил чопон,
Гов отамга наъра тортди.
Лоқойлардинг элига-я,
Кўрпа-тўшагин ортди.



Ҳай, ҳай-а-а-ай,
Ҳай, оталарим, буваларим-ай,
Ҳа, элим, деб жилади отам,
Кўксини тиғлади отам.
Бегона элди боғларига,
Сиғмади, сиғмади отам.
Ҳай, ҳай-а-а-ай...

* * *

*Булунғурлик Санобар Сулаймон қизидан ёзиб олинди.*

Сандиқлар тўла сариқ гул,
Сайламай оппан қўлима.
Ёлғизлик кун ёмон кун,
Бекор оппан бўйнима.
Болам-ай, вой болам.

Кичкина чорбоғ ичида,
Айланиб қолди бошларим.
Болаларини етаклаб,
Оқиб қолди ёшларим.
Болам-ай, вой болам.

Туялар ётур сангтоҳда,
Жувдалари жон жоқда.
Болагинам қани, деб,
Икки кўзим ҳар ёқда.
Болам-ай, вой болам.

Қармоқ солсам кунда йўқ,
Излов солсам элда йўқ.
Қалпоқлари кош устида,
Боласи йиғлар ош устида.
Болам-ай, вой болам.

Оқиб жотган оқ дайра,
Одим жерда банти бор.
Эсизгина кетганларнинг,

Айтмай кетган дарди бор.
Болам-ай, вой болам.

Самарқанднинг минори,
Учида якка тумори.
Жўрагимни ўртайди,
Ўтганларнинг хумори.
Болам-ай, вой болам.

* * *

*Булунғурлик Санобар Сулаймон қизидан ёзиб олинди.*

Мусофирлик даврин суриб,
Ғариблик заҳматин чекиб.
Юрак-бағри қонга тўлиб,
Самарқандга йўл олибди.
Болам-ай, вой болам.

Эшигини қаттиқ ёпиб,
Икки боласин ташлаб.
Кўзидан қонлар оқиб,
Самарқандга йўл олибди.
Болам-ай, вой болам.

Дардига шифо излаб,
Болалари зор бўзлаб.
Келмас манзилни кўзлаб,
Самарқандга йўл олибди.
Болам-ай, вой болам.

* * *

*Пахтаободлик Сайлихон Тошмат қизидан ёзиб олинди.*

Қурисин йўлнинг йироғи,
Чирисин отнинг туёғи,
Вой, болам-ай, вой болам.



Ғамга тўлган юрагим,
Зардобга тўлган юрагим,
Вой, болам-ай, вой болам.

Юрганда йўлинг қолди,
Айтганда сўзинг қолди,
Вой, болам-ай, вой болам.

Гуллар ичида ғунчаси,
Болалар ичида чеҳраси,
Вой, болам-ай, вой болам.

Зарларга тўлган онанг,
Зардобга тўлган онанг,
Вой, болам-ай, вой болам...

* * *

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Оппоқ отинг қозиғига бойланди-ёв,
вой болам,
Дўст деганинг ғаниминга айланди-ёв,
вой болам.
Энағананг девонага айланди-ёв,
вой болам,
Ғанимларинг шойи-атласга беланди-ёв,
вой болам.
Ўттиз бешда қийраб кетган Неъматжоним
султоним,
Тенг-тушлари ичида-я, мардгинама,
полвоним.
Энам тири, демагин-ай, жоним болам,
султоним,
Болам, десам чуйқаб кетади
жоним.
Устига бахмал ташлаб-ов, момомласанг
тенг эди,
Устига шойи ташлаб-ов, отамласанг
тенг эди.

Устимга атлас ташлаб-ов, энамласанг
тенг эди,
Бенавбатлар кетган болам, султоним-ай,
вой болам.

* * *

*Ҳадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Анор деса, ма дейсан, келинжон,
келинжон,
Анжир деса, ма дейсан, келинжон,
келинжон.
Олма деса, ма дейсан, келинжон,
келинжон,
Отам деса, на дейсан, келинжон,
келинжон.

* * *

Неъматжон-ов, овзи жовуқ қопқоғингни
оч энди, вой болам,
Азроилнинг чангалидан тура солиб
қоч энди, вой болам.
Сенга шундай қора кунни раво кўрган
ғанимга, вой болам,
Дўзахлардинг оловли тупроғидан
чач энди, вой болам.

* * *

*Қамашининг Лангар қишлоғидан Хурсандой Сайфиевадан ёзиб олинди.*

Аллаёрнинг аммаси,
Айтар, Али норим қани?
Бир оғамдан нишона,
Аллаёр жоним қани?
Аллаёр, жоним оғам,
Алвардалар қилдинг мани.



Катта-кичик ичида,
Шармандалар қилдинг мани.
Узун сочимнинг қисқаси,
Балхи рўмолим нусхаси.
Аллаёр, жоним оғам,
Алвардалар қилдинг мани.
Оқарган сочини ёзиб,
Болам, деб онаси қолди.
Букилган белини ушлаб,
Болам, деб отаси қолди.
Азизлардан тилаб олган,
Унинг ҳам боласи қолди.
Қоп-қора сочини ейиб,
Тўрам, деб қаллиғи қолди.
Минорлар устида ўтирган,
Ўйинбоз каптари қолди.
Қизил қоғозга битилган,
Жалилхон дафтари қолди.
Аллаёр, жоним оғам,
Алвардалар қилдинг мани.
Катта-кичик ичида,
Шармандалар қилдинг мани...

* * *

*Жом қишлоғидан Хосият Холқул қизидан ёзиб олинди.*

Бузилмай бошим ўраган,
Қўқитмай чачим тараган,
Энаганам-ай, кайвоним.

Осмонларга чўпчиган,
Жердагини чимчиган,
Энаганам-ай, кайвоним.

Супра тўла ун, деган,
Сенинг кунинг кун, деган,
Энаганам-ай, кайвоним.
Бўйнимдаги маржоним,

Эсласам чиқар жоним,
Энаганам-ай, кайвоним.

Юрагим тинмай куярми?
Сиз бориб ер тўярми?
Энаганам-ай, кайвоним.

* * *

*Жом қишлоғидан Хосият Холқул қизидан ёзиб олинди.*

Нон десам, новвот берган,
Сув десам, шарбат берган,
Отаганам кайвоним.

Кўк пиёладан чой берган,
Жонбошидан жой берган,
Отаганам кайвоним.

Билмаганни билдирган,
Ҳамма ишни дўндирган,
Отаганам кайвоним.

Эшикдан келсам кир, деган,
Сенинг жойинг тўр, деган,
Отаганам кайвоним.

Бозорларда бодиринг,
Ўтаяпти қадиринг,
Отаганам кайвоним.

* * *

*Онам Хадичабону Худойқулговбой қизидан ёзиб олинди.*

Ҳалимни[1] билган ҳалдошим,
Дардимни билган дарддошим,

[1] Ҳалимни – ҳолимни.



Вой, вой, энам байбичам.
Саллалига салб урган,
Телпаклига тенг бўлган,
Вой, вой энам, байбичам.

Учар қушдан улги олган,
Бир кўргандан белги олган,
Вой, вой энам, байбичам.

Қўшоқлаб қўйлар совган,
Харровлаб туя совган,
Вой, вой энам, байбичам.

Керага[1]нинг бошидан,
Қўйрук мойни томизган.
Туйнугининг бошидан,
Обиравон оқизган.
Вой, вой энам, байбичам.

Энаганам рўмоли,
Қаландарлар қўйнида.
Таёқсиз бўлдим девона,
Энаганамнинг қўйида.
Вой, вой энам, байбичам.

Осмондаги қирқ юлдуз,
Қиёлай кетди ботгани.
Сатторқулнинг опаси,
Қиёмат кетди жотгани.
Вой, вой энам, байбичам.

Наймит қолгур Азроил,
Жон жойидан йўл солди.
Наймит қолгур бераҳм,
Сўрамай келиб жон олди.
Вой, вой энам, байбичам.

[1] Керага – ўтовнинг туйнуги.

Эшиклар олди супача,
Супачада кўрпача.
Супачада жотибди,
Сиз сув ичган кўзача.
Вой, вой энам, байбичам.

Тиловимни тилаган,
Қуроғимни қураган.
Вой, вой энам, байбичам.

Палаклар экдим ягана,
Ёлғиз қизингдан бегона,
Вой, вой энам, байбичам.

Қабристоннинг йўлида,
Арава жотир оти йўқ.
Қабристоннинг ичида,
Танаси жотир, жони йўқ.
Вой, вой энам, байбичам.

Қабристоннинг йўлига,
Седана сепса битарми?
Энаганамнинг соғинчи,
Жон чиққунча кетарми?
Вой, вой энам, байбичам.

## МУНДАРИЖА


Мехрдан яралган оҳанглар ............ 3
Аллалар ............ 10
Эркаламалар ............ 29
Ёр-ёрлар ............ 31
Келин саломлар ............ 41
Турли мавзудаги қўшиқлар ............ 60
Чой байтлари ............ 108
Соғим қўшиқлари ............ 111
Меҳнат қўшиқлари ............ 114
Наврўз қўшиқлари ............ 120
Рамазон қўшиқлари ............ 123
Айтимлар ............ 126

Адабий-бадиий нашр

***Гулжаҳон Мардонова***

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ**

Муҳаррир *У. Турдиева*
Рассом-дизайнер *Х. Кутлуков*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*
Мусаҳҳиҳ *Н. Абдураҳмонова*
Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*

Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.09.
Босишга 2015 йил 3 сентябрда рухсат этилди. Бичими $84 \times 90\,^1/_{32}$. Офсет қоғози. «Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 5,95. Нашр табоғи 6,43. Адади 2000 нусха. Буюртма 15-368.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10
e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz